**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**

**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛТЕТИ**

**“ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ”**

**КАФЕДРАСИ**

# «Кураш спорт тури мутахассисларини илмий-амалий тайёрлашда Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирининг тутган ўрни» мавзусидаги

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 5141900-жисмоний тарбия ва жисмоний маданият таълим йўналиши
Битирувчи 4-курс талабаси
Нурхонов Суннатулло
__________________

Илмий раҳбари:
Хасанов И.
_________________

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
__________сонли баённомаси_ “ __”______________2012йил.

**ТЕРМИЗ 2012 й.**

# М у н д а р и ж а


Кириш....................................................................................................4

I БОБ. Термизийлар тарихи ҳақида маълумот.............................................7

1.1. Ўзбекистонда ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ўрганилиши тарихи.........................................................................................7

1.2. Ал Ҳаким ат Термизийнинг ҳаёти ва ижоди......................................15

II БОБ. Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича халқаро турнирининг ташкилий асослари ва ўтказиш учун ишлаб чиқилган низом ҳамда хакамлик иборалари........................................................................................23

2.1. Кураш мусобақалари низоми.................................................................28

2.2. Мусобақа турлари..................................................................................29

2.3. Кураш формаси......................................................................................29

2.4. Кураш мусобақасида иборалар ва ишоралар.......................................31

III БОБ. Турнирларнинг ўтказилиш жараёнлари.........................................35

3.1. I-IX турнирлар ўтказилиши ва президент совринлари..........................35

3.2. Биринчи турнир.......................................................................................37

3.3. Иккинчи турнир.......................................................................................41

3.4. Учинчи турнир..........................................................................................47

3.5. Тўртинчи турнир.......................................................................................50

3.6. Бешинчи Халқаро турнир........................................................................55

3.7. Олтинчи турнир........................................................................................60

3.8. Еттинчи турнир.........................................................................................64

Хулоса...........................................................................................................70

Адабиётлар....................................................................................................73

**Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Ҳалқаро мусобақа қатнашчнларига!**

**Азиз Халқаро мусобақа қатнашчилари!**

***Сиз иштирок этаётган беллашув ўзбек халкининг буюк фарзанди ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига багишланганлиги бежиз змас. Зеро, аллома халқимнз саломатлиги ва равнақи йўлида фаолият кўрсатиб, бу соҳада катта ахамиятга молик рисолалар қолдирган.***

***Ўтказилаетган мусобақа келажакда Ўзбекистон диёрида халқ соғликини мустахкамлашга ўз хиссасини қушади. Ўйлайманки, бу беллашув жисмоний тарбия ва спортнинг турмушдаги аҳамиятини янада юқори даражага кўтаришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.***

***Сизларни кураш бўйича халқаро мусобақанинг очилиши муносабати билан қизғин қутлайман. Беллашувда бугун қатнашаётган полвонларнинг кўпчилигини келгусида жаҳон, олимпиада ва Осиё ўйинларининг шоҳсупасида кўрамиз, деб умид қиламан.***

***Мусобақа жараёнида бир-бирингиз билан халол, мардона ва соф инсоний муносабатларда бўлишингизни истайман. Ҳар бирингизга омад ёр бўлсин!***

Ўзбекистон Рсспубликаси
Президенти
Ислом КАРИМОВ

*| 993 йил, апрел*

# Кириш

**Ишнинг долзарблиги:** Ҳозирги кунда «Кураш»ни жаҳон миқёсида яна кенг ривожлантириш, бутун дунё ёшлари қалбидан мустаҳкам ўрин олишини таъминлаш, келажакда уни Осиё ва Олимпия ўйинлари дастурига киритиш масаласи шахсан Мущтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ди==ат эътиборида турибди ва у ыз йўналишида шахдам =адамлар билан илгарилаб бормо=да.

Бу ишда Хал=аро «Кураш» Ассосиатсияси, Республика Кураш Федератсиялари ращбар ходимлари фидоийлик кырсатмо=далар. Ызбек кураши бутун спорт оламида янги спорт тури сифатида тан олиниши муносабати билан И.А.Каримов 1999 да янги спорт тури сифатида «Кураш Хал=аро Ассосиатсисини =ыллаб-=увватлаш ты\рисида»ги фармонга имзо чекдилар. Бу фармон нафа=ат Ызбекистонда балки бутан дунёда «Кураш»нинг оммавий равишда кенг тар=алишига кымак былди.

Шунинг учун ҳам бу тадқиқот иши долзарбдир.

Ызбекистонда мавжуд уч бос=ичли спорт мусоба=а тизимининг дастуридан ырин олган ызбек кураши хал=имиз ёшлари ыртасида тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини амалиётда кырамиз. Ызбек кураши бош=а Олимпия спорт турлари сингари миллий =адриятимиз доирасидан чи=иб, умуминсоний =адриятга айланиб бораётганлигини доимий равишда щис этмо=дамиз. Ана шундай оламшумул спорт во=еалари былаётган щозирги кунда Сурхондарё вилоят Кураш Федератсияси ва Термиз Давлат Университети олимлари, ы=итувчи-мутахассислари бундай буюк ишдан четда =олмаслик ма=садида ызларининг сермащсул мещнат фаолияти билан кураш талаба ёшлар ыртасида янада оммавий ривожланишини таъминлашда фидоийлик кырсатмо=далар.

Термиз Давлат Университети Жисмоний маданият факультетида 40 дан оши= мутахассислар ишлаётган былса, шулардан 8 таси кураш быйича ы=итувчи-мураббий щисобланади. Кураш сектсиялари маш\улотларида 1500 дан орти= ы\ил-=из талабалар =атнашадилар. Улар орасидан Осиё, Марказий Осиё ва Ызбекистон чемпионлари етишиб чи==ан.

Жумладан Тырабек Ытаев, Сухроб Дыстов, Бобомурод Рустамов, Илхом Даминов, Щусан Жабборов, Фарщод Жыллиев, Щасан Жыраев ва бош=алар. Университет =ошидаги жисмоний маданият факултети олимлари курашнинг илмий-методик асосларини, яъни дарслик, =ылланмалар ва оммабоп китоблар яратиб ёшларимиз орасида кураш спортини тар\ибот =илишда щам самарали ишлар =илмо=далар:

Мисол учун: профессор Иброщимов Ы.И. «Мардлар =олур майдон ичра», профессор Тошпылатов Ж.Т. «Ызбек кураши», «Алпомишлар афсона эмас», «Пащлавон былинг =излар» каби методик =ылланмалар яратдилар. Шунингдек Кураш быйича ырта мактаблар, касб-щунар коллежлари талабалари спорт сексиялари учун дастурлар ишлаб беришганлар. Факултет олимлари ва ы=итувчилари курашчи полвонларнинг маънавий-маърифий тарбиясини амалга оширишда щам илмий ишлар олиб борилмо=далар. Факултет профессор-ы=итувчилари вилоятимиз ми=ёсида кураш мусоба=аларини ташкил этиш ва ытказишда фаол =атнашиб келадилар.

Республикамизда буюк алломалар ва давлат арбоблари хотирасига ба\ишланган Хал=аро турнирлар ытказилиб

келинмо=да. Шулардан бири улу\ ватандошимиз Ал-Щаким Ат-Термизий хотирасига ба\ишланган Хал=аро турнирнинг саккизинчиси 2007 йил апрел ойида ытказилади. Ана шу Хал=аро турнир олдидан вилоятимиз барча =ишло=, шащар ва туманлари щамда вилоят бос=ичида кураш мусоба=алари ытказилади. Университетда эса гурущлараро факултетлар биринчилиги ва факултетлараро университет биринчилиги ытказилиб, унинг \олиблари шащар ва вилоят биринчилиги мусоба=аларида =атнашадилар. Ана шундай мусоба=аларда шу ы=ув йилида 3000 дан орти= талаба иштирок этдилар. Бу курашимиз оммавийлигининг намунали кырсаткичи десак былади.

Факултетимизда ишлаётган профессор-ы=итувчилар университет талабалари ыртасида курашнинг оммавийлигини таъминлаш билан талабаларимизни щам жисмонан, щам маънавий жищатдан тарбиялашни ызларининг бош ма=садлари деб биладилар ва шу устида доимий иш олиб борадилар. Спортнинг кураш тури ысмирлар ыртасида оммалашиб кетди. Бу мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбия маш\улотлари учун =улай шароитлар яратилганлиги туфайли ривожланиш

имкониятига эга былди. Бунда ысмирларнинг со\лом, ча==он, кучли ва энг яхши полвонлар Европа, Жащон чемпионлари былишга интилишлари мущим ащамиятга эгадир.

Мамлакатимиз полвонларининг хал=аро майдонда ыз ыринлари бор. Кураш билан кичик ёшдан шу\улланиш лозим, чунки айни шу даврдан келгусида ёшлар спорт мащоратининг юксалиши учун пойдевор былувчи ча==онлик, тезкорлик, эпчиллик ва кучлилик каби фазилатлар самарали ривожланади ва такомиллашади. Бундан таш=ари, ысмирлар кыпро= та=лид =илиш хусусиятига эга былиб, мураккаб техник щаракатларни катталарга нисбатан осонро= ызлаштирдилар. Ысмирларни курашга =изи=тириш учун спорт техникасига кыра хал=аро =оидага я=ин былган миллий кураш турларини ривожлантириш катта ащамиятга эгадир. Россия федератсияси, Ызбекистон, +озо\истон, Грузия, Тожикистон, Арманистон ва бош=а давлатларда спортнинг кураш турини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани туфайли айни шу жойларда жащон ми=ёсида тани=ли полвонлар етишиб чи=мо=да.

**Ишнинг мақсади:** Кураш спорт тури мутахассисларини илмий-амалий тайёрлашда Ал-Хаким ат-Термизий халқаро турнирининг тутган ўрнини ўрганиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Ишнинг объекти:** Кураш спорт тури мутахассисларини илмий-амалий тайёрлашда Ал-Хаким ат-Термизий халқаро турнирининг аҳамияти.

**Ишнинг предмети:** Ал-Хаким ат-Термизий халқаро турнири.

# I БОБ. Термизийлар тарихи ҳақида маълумот

## 1.1.Ызбекистонда ал-Щаким ат-Термизий меросини ырганилиши тарихи

Имом ат-Термизий милодий 824 йилнинг кузида (ёки 825 йилнинг бащорида, щижрий 209 йилда) Бу\ =ишло\ида дещ=он оиласида (баъзи манбаларда камба\ал оиласида деб кырсатилган, бу ноты\ри тал=ин былиши керак, чунки Марвда яшаган унинг бобоси ыртащол киши щисобланиб, уруш натижасида Термизга кычиб келган, Марвда анча яхши щаёт кечиришган) ту\илган. Отаси дещ=ончилик билан шу\улланади ва Абу Исо ту\илишидан сал олдинро= Термиздан Бу\ =ишло\ига кычиб келган. Шу ва шунга ыхшаш далиллар, ани=ро\и Термизийлар сулоласи, вакиллари, кейинги авлодлари ща=ида =ышимча маълумотларни щеч =айси манбаларда учратмадик. Бу борада фа=ат тахминлар ва фаразлар мавжуд, яна бир сабаби, Имом ат-Термизий ызи ва авлодлари ща=ида кенгро= бир манба ёзиб =олдирмаган, шунингдек, биз тащлил

ва тащсил =илган барча манбаларда айнан шу фикрлар келтирилади.

Минг йиллар ытди, лекин щадислардан, уларнинг мазмунидан фойдаланиш ишлари щозир щам давом этмо=да, нафа=ат давом этмо=да, балки ривожлантирилмо=да, мущаддис уламоларнинг щаёти ва фаолияти ырганилмо=да. Имом ат-Термизий щадисларни йи\ишда илм ащлига =арата шундай деганлар: «Илмга берилган кишилар =анчалик кып ы=ишса, шунчалик кам билишини щис этадилар, илмсиз кишилар эса ызларини доно санашади. Лекин ызларини =айси илмда доно санашларини щаттоки таърифлаб бера олмайдилар». Бу фикрда чу=ур маъно яширинганлиги сызсиздир, Пай\амбари ислом бир щадисларида: «Албатта, илмнинг кытарилиб кетиши ва илмсизнинг ырнашиб, собит былиб =олиши, ичкилик ва зинонинг ошкора былиши =иёматнинг аломатларидандир», - деганлар.

Ислом динининг асосий манбалари былиб щисобланмиш +уръони карим ва Щадиси шарифларда илмнинг, ани=ро\и, илм ащлининг намоён былиши сифатлари ты\рисида ани= таърифлар мавжуд. Улар, хусусан, олим киши =уйидаги

сифатлари ва хусусиятлари билан ажралиб туриши керак, буларга: саломлашиш ва кыришиш одоби, та=во, раиятга (=ыл остидагиларга), оила аъзоларига ва кишиларга былган муомаласи, мажлисда ытириш одоби, ов=атланиш, узр сыраш, ызини тутиш, сафарда юриш одоблари ва щ.к. киради. Энг =изи=арли томонларидан бири илм излаш одобидир. Имом ат-Термизийнинг бу масалада =уйидаги щадисларини келтириш мумкин: Расулуллощ айтдилар: «Кимки илм ахтариб уйидан чи=са, у уйига =айтиб келгунга =адар Аллощ йылида юрган щисобланади».

Имом Термизий Аллощ расулининг шамойилларини ёзиб =олдирган жащонда ягона мущаддис былиб щисобланади. Унгача ва ундан кейин щам щеч ким ушбу ишни амалга ошира олмади. Пай\амбари исломнинг фазилатларини бирор шахс бу =адар ани=лик билан ёрита олмади. Ыз навбатида бу асар («Аш-шамоил ан-набавия») =анча олиму фозилларнинг илм =илишларига, изланишларига, пай\амбаримизнинг щаётлари ты\рисидаги маълумотларни билишга асос былди.

Уламоларнинг: «Имом Термизий щадис илмида и=тидо(эргашадиган) =илинадиган имомлардан биридир» деган

фикри бор. Лекин, фикримизча, Имом ат-Термизий щадис илмининг давомчиси эмас, балки уларни ривожлантириб, ызгача йыналиш ташкил этиб, щадис илмига янги тал=ин берган (мущаддис имомларни мущокама этишдан ёки уларга щурматсизлик =илишдан йиро=миз, балки тарихга ани=лик киритиш ма=садида) асосий мущаддис саналади. Масалан: ул зот щадисларни сащийщ, щасан ва \арийбга ажратиши билан мущаддислар ичида ажралиб турган, иккинчидан пай\амбаримизнинг шамойиллари ща=ида асар битган, учинчидан щадисларини соддаро= тилда (оммага тушунарли былиши учун) баён =илган ва щоказо.

«Ислом миллий анъаналарининг, ислом маданиятининг тикланиш жараёни исломни таш=аридан щар =андай «импорт» =илишдан воз кечиш, исломга сиёсий тус бериш ва сиёсатга ислом рущини бахш этишдан воз кечиш ты\ри эканлигини кырсатди. Мовароуннащрнинг мусулмон маданияти этник сабр-то=ат ва ба\рикенглик рущини ызида акс эттирди. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ыз инъикосини топган идеали - фозил кишилар шащри нафа=ат диний асосда, балки маданий ва ахло=ий негизда щам уюшган одамларнинг щамжамиятидан

иборат былганлиги тасодифий щол эмас. Конституциямизда ёзиб =ыйилган динга эъти=од =илиш эркинлиги Ызбекистон ёппасига «исломлаштирилиши» мумкинлиги ща=идаги ноырин щадиксирашларга барщам берди. Бош=а диний о=имларнинг тикланиши ва нормал ривожланишини мумкин =илиб =ыйди. Бундан таш=ари, Марказий Осиёдаги ислом динининг рущан ызига хослигини англаб етиш маданий бойлигимизнинг бир =исми былмиш исломдан олдинги маданиятни чу=ур ырганишни та=озо =илади».[1]

Бундай жараён бугунги дунёда амалиёт фалсафаси деб тан олинган прагматизм, щаёт фалсафаси былган экзистенциализм каби дунёвий ва диний \оялардан ози=ланган таълимотлар мисолида щам кызга ташланмо=да.

Илмий кашфиётлар мафкура ривожига катта таъсир ыткազади. Замонавий фан юту=лари, жумладан, космонавтика, кибернетика сощасидаги оламшумул янгиликлар, клонлаштириш, инсоннинг ген-насл харитасини ани=лаш каби буюк кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ызгартирмо=да. Щадислардан фойдаланишда юзага келадиган илмий

муаммонинг педагогик ечими хал= педагогикасини такомиллаштириш, унинг илмий-услубий шаклларини яратиш билан бо\ли=дир.

Щадисларнинг бой маъноси эса уни у=иш, тушуниб етиш жищатига бо\ли=дир. Масалан: «Аллощдан =ыр=! Яхшиликни кичкинасини щам кичик демай =илавер. Агарчи челагингдан сувни сув олмо=чи былган кишининг челагига =уйиб бериш билан ёки биродарингга очи= чещра билан юзланишинг билан былса щам яхшилик =ил. Кийиминг этагини кибр учун узун =илма! Зеро, кибрни Аллощ яхши кырмайди. Агар сени бирор киши сыкиб, сенда йы= айб билан сени айбласа, сен уни унда айб билан щам айблама, уни =ыя бер, шунда гунощи унга, савоби сенга былади. Щеч =ачон щеч кимни сыкма!»

Ушбу щадисни турли хил фанлар, йыналишлар, \оялар асосида шарщлаш мумкин. Бунинг учун эса албатта, улардан тарбиявий ма=садларда фойдаланиш методларини излаш зарур. Имом ат-Термизийнинг мущаддислик фаолияти шариат, тари=ат, маърифат ва щикмат асосига =аратилган былиб, илм щамда донишмандликнинг бир кыриниши сифатида намоён былади. А=лий билиш, илощий маърифат, ахло= дастури алломанинг

машщур былган сифатларидидир. Имом Термизий фи=щий услубларни ырганиб, баъзи щадисларни ривоят =илар экан, у щадиснинг =онуншуносликка =андай тааллу=ли эканини баён =илишга щаракат =илган мущаддисдир. Ат-Термизийнинг баъзи щадисларида инсон илми, а=ли-заковатининг тащлилига оид былган фикрлар мавжуд. Ушбу фикрлар кып олимларнинг бащс-мунозараларига сабаб былган.

У щадислар ёрдамида инсон тарбиясига таъсир кырсатиш масалаларини ривожлантиришга щаракат =илган. Ислом дини таълимотида тарбиявий воситаларнинг ролини ани=лаш ор=али инсоннинг маънавий салощиятини рыёбга чи=ариш ишларини мущим деб билган. Ыз асарларида инсон тарбиясининг турли йыналишларига эътибор =аратар экан, жамиятнинг ижтимоий, и=тисодий, сиёсий, маънавий асосларига щам ди==атини =аратди ва кыплаб фалсафий, щу=у=ий саволларга жавоб топа олди. У инсоннинг ахло=ий =иёфаси ижтимоий мущит билан, унинг та=дири ва бош=а хусусиятлари ыз эъти=оди билан бо\ли= деб щисоблаган, унинг фикрича «олим кишилар инсон рущини ва эъти=одни тарбия =илувчи кишилардир». Шубщасиз, Имом ат-Термизий ватанимиз тарихида ислом маданиятининг

илмий-педагогик асослари шакланишида ыз асарлари, тарбиявий фикрлари билан хизмат =илган машщур аллома былиб саналади.

Ызбекистон мустақилликка эришгунга қадар ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ырганиш фақатгина бу аллома дафн этилган мақбара тарихини ырганиш билан чегараланди, холос. Бу борада 1936-1938 йилларда Эски Термизда проф. М.Е.Массон бошчилигида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари нашр этилган тыпламларда (М.Е.Массон, 1940; 1945) ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси, айниқса, аллома шогирларидан бири Хожа Варроқ мозори (Абу Бакр Умар ал-Варроқ Термизий) ҳақидаги маълумотларни кырсатиб ытиш мумкин. Айниқса, 1960 йилда М.Е.Массон томонидан ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасидаги тарихий ёзувларнинг «Надписи на штуке из архитектурного ансамбля у мавзолея Хакима Тармизи» мавзусида эълон қилиниши жуда муҳим былди.

М.Е.Массон ызининг бу мақоласида нафақат мақбара ва ундаги тарихий ёзувларни, балки ал-Ҳаким ат-Термизий биографияси ва асарларига ҳам шарҳлар беришга муяссар былди. Шундай қилиб, Ызбекистон мустақилликка эришгунга

қадар амалда Ватанимизда ал- Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йыли, асарлари ва таълимоти тарихига бағишланган алоҳида асар ёки рисола яратилгани йық.

1990 йилда ал-Ҳаким ат-Термизий ватандоши буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг 1200 йиллиги ва ундан сынг Ызбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йыли, таълимоти ва асарларига бағишлаб қатор тадқиқотлар эълон қилина бошланди. Бу борада Абдуғани Абдулланинг ал-Щаким ат-Термизийга бағишлаган мақолалари жуда муҳим былди. 1991 йилда Тошкентдаги «Меҳнат» нашриёти Маҳмуд Ҳасаний ва Ғолиба Жыраевалар масъуллигида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наврызнома» ва «Солнома» асарларини нашр этди. Шундай қилиб, ватанимизнинг мустақилликка эришуви барча ижтимоий-иқтисодий жабҳаларида былганидек, ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ырганишда туб бурилишни бошлаб берди. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилидан ал-Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуининг зиёратчи ва сайёҳлар учун очилиши жуда муҳим во=еа былди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасига ташриф буюрган ватандошларимиз ва халқаро сайёҳлик гуруҳлари сонининг кыпайиши, ыз навбатида аллома дафн этилган мақбара, олим ҳаёти, асарлари ва таълимоти ҳақида мукаммал маълумотлар битилган рисола ва қылланмаларнинг нашр этилишини талаб этди. Бу борада 1998 йилда Т.Аннаевнинг «Ал-Ҳаким ат-Термизий» (Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1998.) ва Ж.Омонтурдиевнинг «Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти» (Т., «Университет», 2000.) жуда муҳим былди.

2000 йил ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ырганишда муҳим босқични бошлаб берган йил ҳисобланади. Бу авваламбор, ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуд топиб, вояга етган она шаҳри Термизнинг 2500 йиллик тантаналарини нишонлаш муносабати билан аллома меросини асосли ва чуқур ырганишга эътибор берилиши эди. Термиз шащрининг 2500 йиллиги муносабати билан таниқли исмлошунос У.Уватовнинг 2001 йил Тошкентда «Маънавият» нашриётида «Ал-Ҳаким ат-Термизий» рисоласи, 2001 йили «Шарқ» нашриётида нашр этилган «Термиз-буюк йыллар чорраҳасидаги кыҳна ва янги шаҳар» асари(ма=олалар тыплами)да, «Термизнинг улуғ одамлари»

маколаси нашр юзини кырди. У.Уватовнинг 2005 йилда Тошкент «Шарк» нашриётида эълон килган «Икки буюк донишманд» рисоласи ал-Ҳаким ат-Термизий ва буюк мущаддис Имом Исо ат-Термизий меросини ватандошларимизга тарғиб ва ташви= килишда муҳим былди.

2001 йилда «Ызбекистон Миллий комуси» нашриётида Мирзо Кенжабекнинг «Термиз тазкираси» ҳам нашр этилди. 2003 йилда А.Шоший арабчадан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизийнинг «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» асарини таржима килган былса, И.Усмонов 2006 йилда «Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳадислар», «Наводир ал-усул» асари асосида (араб тилидан таржима) асарини нашр этди.

Бундан таш=ари Жалол Мирзонинг «Термиз сайидлари» (Самар=анд, 2001.), «Термиз тарихи» (Т.: «Шар=», 2001.) муаллифлар жамоасининг «Сурхондарё тарих кызгусида» (Т.:«Шар=»,2001.), «Сурхондарё тарихи» (Т.:«Шар=»,2004.), С.Турсуновнинг «Термизий буюк сиймолар» (Т.:«Шар=»,2002.), Б.+одиров ва Б.Муртазоевларнинг «Ча\ониён адабиёти» (Т.:Янги аср авлоди, 2002.) номли асарларида щам аллома меросига эътибор =аратилган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ырганиш ва тарғиб қилишда Термиз давлат университетида кейинги йилларда эътиборга лойиқ тадқиқотлар эълон қилинди. Бу борада сурхонлик олимлардан Б.Муртазоев, Р.Абдуллаев ва З.Чориевларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ытмоқ лозим. 2004 йилда Термиз давлат университетида «Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври» мавзусида халқаро илмий анжуман ташкил этилди. Университет тарихчи ва адабиётшунос олимларининг ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ырганиш борасида амалга оширилган изланишларининг мантиқий якуни З.Чориев, Т.Аннаев, Б.Муртазоев, Ж.Аннаевлар томонидан яратилган ва 2008 йилда нашр этилган «Ал- Ҳаким ат-Термизий» асари ҳисобланади. Монографияда ал-Щаким ат-Термизий щаёт йыли, =исман таваллуди ва вафоти саналари бащси, алломанинг тасаввуфий мероси, яратган асарлари, уларнинг са=ланаётган жойлари, ани= номлари, амалга оширилган нашрлари, таржималари, айримларининг умумий ташлили, илм зикридаги фикрлари ыз баёнини топган.

Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказилаётган хотира турнири улуғ ватандошимиз, беназир аллома номи билан юритилар экан, у кишининг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги айрим нуқталарга ҳам мухтасар тўхталиб

ўтишни лозим топдиқ Зеро, улуғ боболар ҳақида купроқ маьлумотга зга бўлмоқ, уларнинг қутлуғ меросини ўрганиб бормоқ ўтмишни англаш йўлида ўзига хос қадам бўлади, деб ўйлаймиз.

## 1.2. Ал Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижоди

Алломанинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Хдсан ибн Башир ал-Хдким ат-Термизий бўлиб, 749 йилда таваллуд топган. Айрим манбаларда олимнинг узоқ яьни 116 ёки 120 йил умр курганлиги ҳақида айтилади. Баъзи маьлумотларга кўра унинг отаси Али ибн ал-Хасан ўз замонасида ҳадис илмининг таниқли олимларидан бири бўлган. Ат-Термизийнинг ёзишича, онаси ва бобоси ҳам ўз даврида ҳадис илмида моҳир кишилар булишган. Маънавий баркамол, илм-маьрифат нури билан мунаввар бўлиб турган хонадонда туғилган ва тарбия топган ат-Термизий кенг тафаккур эгаси бўлиб шаклланади. Унинг ҳар жиҳатдан камол топишида отаси Али ибн ал-Хдсаннинг хиз-матлари жуда каттадир. Ал-Ҳаким ат-Термизий китобларидан бирида шундай ёзади:

- Аллоҳ таоло мени устозим — волидамдан жудо кллганда саккиз ёшда эдим. Унинг саъйихаракатлари сабабидан мен илм олишга шу қадар берилиб кетгандимки, китоб мутолаа қилиш мен учун асосий машғулот бўлиб қолган эди. Волидамнинг ижтиҳодлари туфайли мен шу ёшимда "Илмал-осор" ("Қадимий ривоятлар (ҳадислар) хлқидаги илм") ва "Илм ар-рай" (Диний масалаларда ўз фикрини билдириш) билимларини тўлиқ эгаллаб олган эдим...

Отаси вафотидан кейин ал-Ҳаким ат-Термизий ўз шахридаги етук олимлардан тафсир, хадис, фиқҳ илмларидан сабоқ олади. Термизлик мухаддислар Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизий, Абу Мухаммад Солгоҳ ибн Мухаммад ибн Наср ат-Термизийлардан ҳадис илмини ўргатганлиги ҳақида маьлумотлар бор. Мутафаккир Фаридиддин Атторнинг ёзишига қараганда, ал-Ҳаким ат-Темизий йигирма етти ёшга етганида икки бироддари билан ўша даврда маьрифат маркази саналган Бағдодга бориб, илм олиш мақсадида

ҳозирлик кўра бошлайди. Бу пайтда онаси баногоҳ бетоб бўлиб қолади ва ўғлига шундай дейди:

— Эй, ўғлим, мен бир муштипар, заифа аёл бўлсам, менга ёрдам берадиган сендан бўлак бирор кимса бўлмаса, менинг бутун борлиғим фақат сен билан боғлиқ бўлса. Мени кимга ташлаб кетмоқчисан?

Ал-Ҳаким ат-Термизийга онасининг бу гаплари қаттиқ таьсир қилиб, илм талабидаги сафаридан воз кечади. Унинг икки биродари эса йўлга тушадилар. Бу воқеадан кейин бир неча муддат вақт ўтгач, ал-Ҳаким ат-Термизий Бағдодга боролмаганлиги учун гоятда афсусланиб мақбаралардан бирининг ёнида йиғлаб хафа бўлиб турганида, унинг ёнида юзларидан нур ёгилиб турган бир шайх пайдо бўлади ва ундан йиғлашининг сабабини сўрайди. Ал-Ҳаким ат-Термизий унга юз берган воқеаларни бошдан-адоқ айтиб беради. Шунда шайҳ истасанг, мен сенга ҳар куни турли илмлардан сабоқ бериб, сени ўқiïтаман, дейди. Ал-Ҳаким ат-Термизий унинг бу сузига дарров рози бўлади. Бу ҳол бир неча йил давом этади. Сўнгра у билсаки, бу киши Хизр алайхиссалом эканлар. Унинг бу саодатли марҳаматга эришиши волидаи муҳтарамасининг дуоси барокатидан бўлган эди.

Айтиш керакки, ал-Ҳаким ат-Термизий ўз замонасининг баркамол алломаларидан сабоқ олган. Тарихий манбаларга қараганда, олимга аввал отаси Али ибн ал-Ҳасан ат-Термизий устозлик қилган. Сўнгра Қутайба ибн Садъий ас-Сақафий ал-Балхий, Солихҳ ибн Абдуллох ат-Термизий. Солиҳ ибн Мухаммад ат-Термизий, Суфён ибн Ваҳий, Ал-Ҳасан ибн Умар ибн Шафиқ ал-Балхий, Ахмад ибн Хадравайҳ, Яқуб ибн Шайба ибн ас-Салт, Абу Туроб ан-Нахшабий. Яхья ибн Маоз ар-Розийлар устозлик қилишган.

Илмда катта мақом ва даражага эришган ал-Ҳаким ат-Термизий хам ўз навбатида илм оламида кенг танилган шогирдларни етиштирди. Масалан, Абу Мухаммад Яхге ибн Мансур ал-Қозий, Мухаммад ибн Жаьфар ибн Мухаммад ибн ал-Хайсам ибн Умрон ибн Бурайда, Абу Али ал-Ҳасан ибн ал-Журжоний, Ахмад ибн Мухаммад ибн Мусо, Абу Мансур Али ибн Абдуллох ибн Холид ас-Сухлий ал-Ҳиравий, Абу Бакр Мухаммад ибн Умар

ал-Ҳаким ал-Варроқлар улуғ олимнинг қулида тахсил-сабоқ олишган. Айтмоқ жоизки, бу олимларнинг хар бири илм оламида бир дунёдир.

Фаридиддин Атторнинг "Тазкират ул авлие" асарида езилишича, ал-Ҳаким ат-Термизий мусулмон мамлакатларида танилган 96 шайхнинг бири бўлган.

Манбаларга қараганда, олим 28 ёшида Ҳаж сафарига йўл олади. Йўл-йўлакай Ироқда тухтаб, Куфа, Басра шахарлари олимлари, мухаддислари билан мулоқотда бўлади. Айтадиларки, муборак Ҳаж сафари, шу сафар чоғида улуғ олимлар билан қилинган қизғин сухбатлар ал-Ҳаким ат-Термизий хаётида катта маьнавий бурилиш хосил қилади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийдан бой ижодий мерос қолган. Атоқли туркшунос олим Фуот Сезгин Ҳаким Термизийнинг 80 та асари борлигини ёзади. Бироқ эронлик олим Абулхусайн Зарринуб "Жустужу дар тасаввуфи Эрон" ("Эрон тасаввуфи бўйича тадқиқот") китобида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг 400 та асар ёзганлигини ҳикоя қилади. Шарқшунос олим Убайдулла Уватов ўзининг "Ал-Ҳаким ат-Термизий" номли рисоласида шундай ёзади: "...Мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг хабар беришича, ал-Ҳаким ат-Термизий турт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини бизгача етиб келган. Энг муҳими ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бизга маълум бўлган асарлари унинг илмий-маънавий меросининг мухим қисмини ташкил қилади. Мана шуларнинг энг аввалида пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган "Наводир ул-усул фи маърифат ахбор Расул" ("Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар") номли асарини айтиш керақ 291 хадисдан иборат бу китоб ҳижрий 1294 (милодий 1876) йилда чоп этилиб, ал-Ҳаким ат-Термизий ўз мазхабий қарашларини муфассал ҳолда шарҳлаган". Убайдулла Уватовнинг ёзишича, Париж Миллий кутубхонасида ал-Хаким ат-Термизийнинг 12 та асари қўлёзмаси сақланмоқда. Шунингдек олимнинг бешта асари қўлёзмаси Лондонда, бир қатор китоблари Дамашқда, Миср Араб республикасининг йирик шаҳарларидан бири Искандарияда, Қоҳирада, Лейпциг, Истанбул шахри кутубхоналарида саҳланаётир.

Убайдулла Уватов яна шундай ёзади: "Ал-Хаким ат-Термизийнинг ал-Хаким лақаби билан аталиши масаласи олиму уламоларни азалдан қизиқтириб келган ва бу масалада турли фикрлар Ҳам билдирилган. "Хаким" сўзи-нинг тарихига назар солсак бу ибора Қуръонда ҳам, Тавротда ҳам учрайди. Хокимнинг лугавий маъноси доно, донишманд, ақл-идрокли, файласуф шунингдеқ табиб тушунчаларини англатади. Шу сабабдан баъзи олимлар уни ҳатто моҳир табиб деб ҳам атаганлар. Ат-Термизий яшаган давр истилоҳларига таяниб баён қтшсак ҳикмат (Хакимдан олинган) ибораси ҳақиқатга етишишни англатиб, бунга илм ва ақл билан эришиш мумкин деб изоҳланган. Хким шундай шахски, у мукаммал ақл-идрок ва чуқур билим билан ҳар доим ҳақиқатга эришади. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг "Таҳсийл назоир ал-Қуръон" номли асарида "Хаким илмнинг ички, ботиний маъноларини тушунувчи киши" деган фикрни келтирган. Қуръони Каримга "Мафотиҳ ал-ғайб" номли ўн беш жилддан иборат улкан тафсир ёзган буюк ватандошимиз Фахриддин ар-Розий ҳикматдан мурод ёки илм, ёки савоб, яъни туғри иш қилишдир, деб талқин қилган. Тасаввуф аҳли ҳам "ҳаким" сўзини шу мазмунда таъвил қшшб, "ҳикмат" - илм-билимдан юқорироқ даражада туради, "ҳаким" деб ҳар қандай илмни чуқурроқ ўзлаштирган кишига айтилади, чунки бу шарафли даражага узоқ машаққат ва риёзат орқали эришилади деб таъкидлайдилар." ("Ал-Хаким ат-Термизий", Тошкент. "Маънавият" нашриёти, 2001. йил).

Алишер Навоий ўзининг "Насоим ул-муҳаббат" асарида ёзади: "Муҳаммад бин Али Хакими Термизий - иккинчи табақадандур. Кунияти Абу Абдуллоҳдур. Машойихи кибордандур ва Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад Хадравайх ва Ибни Жалла билан суҳбат тутубдур ва кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромати ва тасонифи (ёзган асарлари) бор. Ул жумладин "Хатм[г] ул-вилоя" китоби ва "Наҳаж" китоби, "Наводир ул-усул" ва бундан ўзга бир тафсир "Қуръон тафсири" ҳам ибтидо қилгондур. Аммо итмомига (охирига) улар вафо қилмайдур..."

Улуғ зотлардан Хожа Баҳоуддин шундай деган эканлар: "Азиз авлиёларнинг пешвоси Хожа Муҳаммад Ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизийнинг руҳониятига

таважжу)\им тушганда, ҳар сафар менга таъриф ва тавсифдан холи тасаввуф намоён бўлади".

Хуллас, улуғ бобомиз, юртдошимиз ал-Ҳаким ат-Термизий илмдунёсида тенги йўқ аллома, камолот соҳиби ва баланд мақомдаги мутафаккир бўлган.

Биз миллий кураш ҳақида гап юритар эканмиз, унинг хусусан, кейинги йилларда эл огзига тушган машҳур вакиллари тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз. Мисолларни эса мамла-катимиз миқёсида эмас, балки Сурхон воҳаси тимсолида кел-тирмоқчимиз. Чунки бу мавзу ўз кўлами ва миқёсига кўра шу қадар кенг ва поёнсизки, у керак бўлса бир неча китобни ташкил этади. Шунинг учун ҳам биз фақат бир вилоят мисолида ўзбек миллий курашининг яқин тарихдаги ва бугунги кундаги, тараққиёт йўлига бир назар ташламоқчимиз.

Дарвоқе, Сурхонда туғилган ўғил болаларнинг кураш тушмайдиганнини топиш амри-маҳол. Воҳада ҳар бир ўғил бола у ёки бу даражада курашчидир. Аммо эл оғзи-га тушадиган машҳур полвонлар хар бир уруғдан, элатдан, халқдан вақти-вақти билан чиқади. Улар катта кураш майдонларида машҳур полвонларнинг курагини ерга теккизгандан кейингина ном қозониб, шу тариқа эл иф-тихорига айланиб қоладилар.

Воҳамизда қадим-қадим замонлардан буен номи узоқ-узоқларга кетган полвонлар бўлишган. Халқимиз уларни ҳозир ҳам фахр билан эслаб келади. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ва қисман кейинги йилларда нафақат вилоятимизда ёки мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё республикаларида ҳам ном қозонган сурхондарёлик полвонлар кўп бўлишган.

Масалан, бойсунлик Қосим, Умир, Хидир, Норғуч, Туро, Берди-ёр, шерободлик Қурбонмурод, Эгамберди, Карим, Зоир, Бобомурод, Туроб, Қарши, Йўлдош, Бобосодиқ, жарқўргонлик Валламат, Раҳмон араб, Эргаш, Ражаб, Кўчар, термизлик Давман, Бобомурод, Лўкча, Чўтан, Мирза, шўрчилик Жайлов, Алибой, Менгзиё, Холмат, Йўлдош, Алман, деновлик Исмат, Абдухолиқ, Хидир, Эркин, Хуррам, Карим, Мухтор, Худойберди, сариосиёлик Мамашукур, Жума, Мамасаид, Мирза полвон-ларни

сурхондарёликлар то ҳануз катта хурмат ва эҳти-ром билан эсга оладилар. Катта давраларда уларнинг ботирликлари ва паҳлавонликларини ёшларга ҳикоя қилиб берадилар. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўз даврида кўрсатган паҳлавонлик бобидаги жасоратлари, яшаб ўтган мардона ҳаётлари кейинги авлод вакилла-рига унутилмас мактаб бўлганлиги ва бўлаётганлиги-га ҳам шубҳа йўқ.

Бир нарсани таъкидлаш ўринлики, номлари тилга олинган полвонларнинг изидан 70-90 йилларда бир-биридан зўр шогирдлар етишиб чиқди. ўтган асрнинг охирги йи-гирма беш, ўттиз йилида шу қадар эсда қоладиган, дов-руғи баланд иаҳлавонлар етишиб чиқдики, бу нарса ку-рашимиз тарихида ўзига хос зарҳал битиклар бўлиб қол-ди. Биз эса бу ўринда уларнинг энг машхурлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Улар ўзбек миллий кураши довруғи-ни жаҳон миқёсида тарқатган ботир, эпчил ва юртпар-вар. ориятли полвонлардир. Бундай номдор полвонлар сафида бойсунлик Холмамат Даминов, Шоберди Ғундаев, Жумақул Эшонкулов, Худойберди Муҳаммадиев, шерободлик Юсуф Эгамбердиев, Бобомурод Ёқубов, Карим Хўжақулов, Ғани Нормуродов, қизиршушк Яхши-бой Қаршиев, Жовли Сатторов, Мажид Ашуралиев, Болта Холматов, жарқўрғонлик Йўлдош Норматов, Нортожи Бойматов, Хушбоқ Хуррамов, Туран Эргашев, Ўрол Қурбонов, Холиёр Элмуродов, Тоҳир Дурдиев, Рустам Эргашев, ангорлик Нормурод Қодиров, Қодир Қурбонов, Нурмат Қулмуродов, Аллаберди Худойбер-ганов, Шукур Эрматов, Сувонқул Нормуродов, Нора-ли ва Мамаюсуф Норбоевлар, шўрчилик Алимардон Валиев, Ҳамза Ҳайдаров, Абдулла Нормуродов, Бобохон Худойбердиев, Очилди Сатторов, Абдурасул Эргашев, Эргаш Худоёров, Йўлдош Абраматов, Оқбой Омонов, Бозор Ҳайитов, Шодмон Валиев, Меликул Лолаев, деновлик Жаббор Маҳмарасулов, Абдуназар Холиёров, Йўлдош Аллаёров, Саидаҳмад Аҳмадқулов, Анвар Нодиров, Дилмурод Турдиев, Абдулла Сирожиддинов, Карим Турдиев, Ёқуб Ғафуров, Абдулла Иброҳимов, сариосиёлик Неъмат Норбоев, Иброҳим Мамасолиев, Чори

Мамашукуров, термизлик Жўра Сафаров, Чори Бобониёзов, Панжи Чориев, Шафоат Шомуродов, Рўзи Ҳасанов, Ражаб Худойқулов, Ҳайдар Ғаффоров, Жура Норматов, Рўзи Ўтаев, Қурбон Эргашев, Жура Қўшинбоев, Жума Чориев, ака-ука Абдураззоқ ва Уста Устаевлар, Авлиёқул Қурбонов, Жўрабек Рўзиев, Бахтиёр Ҳасанов, Жума Аннаев, Камол Бойтура-ев, Баҳром Арзиев, Жаббор ва Махтумқули Махмудов-лар, Шавкат Иброхимов, Илҳом Бобониёзов, Икром Мамадалиевлар борки, уларни минглаб одамлар танишади, то ҳануз улар ҳақида ҳикоя қилишади.

Архив ҳужжатлари билан танишганимизда, шунингдек, спорт фахрийлари билан сухбатлашганимизда шу нарса маълум бўладики, 1949 йилдан эътиборан миллий кураш бўйича вилоят, республика биринчиликлари, умумўзбек спартакиадаси, қишлоқ. спортчилари спартакиада-си дастури доирасида полвонларимиз ўзаро беллашганлар.

Миллий куращдаги машғулот ва кўникмалари орқали бошқа спорт турларида натижаларга эришишган. Бу ерда қизиқ бир ҳолат кўзга ташланади. Ўша пайтдаги спорт мутасаддилари, мутахассислар миллий курашдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб, бошқа. бизга ёт бўлган анъаналарга эргашишди. Шу тариқа кураш қонуниятларидан четлашиб боришди. Полвонларни курашда эришган ютуқлари учун эмас, балки спортнинг бошқа турлари бўйича қатнашиб ғалабага эришганликлари учун рағ-батлантиришарди. Бу эса ўз навбатида катта спорт ўртасида миллий курашнинг обрўсига у ёки бу даражада путур етказарди. Айрим кишилар кураш орқали мамлакат, қитъа, жахон майдонига чиқиб бўлмаслигини хадеб такрорлайверардилар.

Қанчалик камситиш ва менсимасликларга қарамасдан, халқ севган ўйин - миллий кураш эл ичида барибир ардоқ-ланди.

Агар хаёлан афсонавий Алпомищдан тортиб бугунги навқирон Абдулла полвон Тангриевгача бўлган даврга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбек миллий кураши машаққ.атли ва довруғли йўлни босиб ўтди. Мустақллик туфайли эндиликда жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида ўзбек спорта кураш мусобақалари, биринчиликлариизмаиз ўтказиб турилибди. Ку-рашимиз олис Африка

мамлакатларидан тортиб Янги Зе-ландиягача бўлган катта масофаларни шараф билан забт этмокда- Ўзбек кураши дунё спортчиларининг тобора мехрини қозониб, қизиқиш ортгандан ортиб бо-раётир.

Термиз шахрида, Тошкентда, Бухоро, Қашқадарё ва Хо-разм вилоятларида кейинги йилларда ўтказилган кураш би-ринчиликлари, Халқаро мусобақалар спортимизнинг миллий турига бўлган қизиқишни янада оширишга хизмат қилмоқ-да. Бу мусобақалар бир-биридан кучли, маҳоратли полвон-ларнинг етишиб чиқишига восита бўлмокда.. Бир нарса бугунги куннинг аён ва рад этиб бўлмас ҳақиқатики, кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбекнинг миллий кураши дунё бўйлаб кенг ёйилмокда.

Хулоса тариқасида шуни айтиш керакки, кураш ўзбек халқининг маданиятига, адабиётига, педагогикасига, ахлоқ ва жисмоний камолотига ижобий таъсир кўрсатган. Лекин кураш узоқ йиллар назардан четдан қолаверди. Шўро дав-рида бошқа кўп спорт турларига  зўр берилди. Кураш билан боғлиқ бўлган халқ удумлари, фольклори унутилаёзган эди...

Миллий кураш турларини ривожлантириш шарқий-жанубий мамлакатлардан Хитой, Корея, Таиланд каби мамлакатларда яхши ҳал қилинган. Японияда ҳатто махсус университет ҳам бор. Уларнинг мутахассислари бутун жахон давлатларида фаолият юритишади.

Мамлакатимизда ҳам курашни ривожлантириш учун дастлабки қадамлар қўйилди. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббусларини қўллаб-қувватлаб Сур-хондарё вилояти хокимининг Халқаро кураш мусобақа-си ўтказиш ҳақидаги қарори ана шундай қутлуғ қадам-ларнинг бири эди. Ишонамизки, кураш Олимпиада ўйин-ларида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.

**II БОБ. Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича халқаро турнирининг ташкилий асослари ва мусабоқани ўтказиш учун ишлаб чиқилган низом ҳамда хакамлик иборалари.**

Ызбекистоннинг =адимги ва нав=ирон шащри Термизда ызбек миллий курашининг Бухороча усулида хал=аро турнир ытказиш тасодифан ту\илган эмас. Бухороча миллий кураш быйича Пащлавон  Мащмуд хотирасига, кейинчалик Бухоро вилояти +оракыл туманида Турсун ота Юсупов, щазрат Бащоуддин На=шбанд ва нищоят 1992 йилдан бошлаб +аш=адарё вилоятидаги Шащрисабз шащрида буюк бобокалонимиз Амир Темур хотирасига ба\ишлаб кураш турнирлари ытказила бошланди. Уларнинг барчасида сурхондарёлик полвонлар муваффа=иятли =атнашиб келдилар. Миллий кураш Сурхондарёда Республикамизнинг бош=а вилоятлари орасида кыпро= оммавийлашган ва тара==ий этган. Шунинг учун щам миллий кураш быйича турнирни олдингиларидан щам оммавийро=, ташкилий жищатдан ызгачаро=, щамда сифат жищатдан ю=ори, хал=аро андозаларга мос =илиб ытказишга =арор =илинди. Сурхондарё жащоншумул тарихий ащамиятга эга былган ал-Щаким ат-Термизий ва Имом

Исо ат-Термизийлар каби ватанимиз шону шущратини дунёга танитган буюк аждодларимизнинг юртидир. Шунинг учун щам ал-Щаким ат-Термизий  хотирасига ба\ишлаб хал=аро миллий кураш турнирини ытказиш таклифи билан спорт фахрийлари вилоят щокимига мурожаат =илдилар. Вилоят щокимлиги бу мурожаатни =ыллаб-=увватлади ва =арор =абул =илди.

Бу турнирни сурхондарёликлар республикамизнинг бош=а вилоятларида ытказилаётган турнирлардан фар=ли, вилоят щудудида уч бос=ичда, яъни ташкилот, корхона, хыжалик ва ы=ув юртларида биринчи, туманлар ми=ёсида иккинчи ва нищоят учинчи бос=ични вилоят биринчилиги даражасида ытказишни режалаштирилиб, Сурхондарёда миллий курашни оммавий ривожлантиришни ма=сад =илиб =ыйган эдилар. Бу эса Президентимиз Ислом Абду\аниевич Каримов ташаббуси билан «Со\лом авлод» фондининг таъсис этилишига айнан мос келган эди.

Вилоят щокимлиги ращбарлигида бу ишга касаба уюшмалари вилоят ташкилоти, «Камолот» ЁИЩ, вилоят хал= таълими бош=армаси, спорт ташкилотлари, олий ва ырта махсус билим юртлари щамда ташкилот ва корхоналар жалб =илинади.

Хал=аро турнир олдидан курашнинг биринчи бос=ич мусоба=алари 1992 йил декабрь ва январь ойларида, иккинчи бос=ич 1993 йилнинг февраль ойида, учинчи бос=ич вилоят биринчилиги мусоба=аси март ойида ытказилиб хал=аро турнирга иштирок этувчилар танлаб олинди.

Шуни айтиш жоизки, биринчи бос=ич кураш мусоба=аси вилоятдаги аксарият ташкилот ва ы=ув юртларида былиб ытди.

Иккинчи бос=ич мусоба=аси =ымита вакиллари иштирокида щар бир туманда байрамона ю=ори савияда ытказилди.

Туманларда мактаб ы=увчиларининг мусоба=алари, катта ёшдагилар, 35 ёшгача, 45 ёшгача ва ундан катта ёшдаги полвонлар ыртасида мусоба=алар алощида ытказилди.

Щар бир шащар ва тумандаги спорт иншоотлари =айта таъмирланиб, байрамона безатилди. Щар бир \олиб полвонга мукофот ва щомийлар томонидан =имматбащо сов\алар топширилди.

Вилоятимиз барча туманларида кураш мусоба=алари нищоятда =изи=арли ва оммавий тарзда ытказилди. Айни=са, Термиз шащри, Жар=ыр\он, +ум=ыр\он, Шеробод, Шырчи,

Денов ва Узун туманларида ыта =изи=арли ва ю=ори савияда ытказилди. Мусоба=аларнинг щар бирида 250-300 нафар полвонлар иштирок этдилар. Ана шу мусоба=аларда ыз вазн тоифалари быйича \олиб чи==ан полвонлар махсус тайёргарликдан ытиб, хал=аро турнир олдидан ытказиладиган вилоят биринчилиги мусоба=асига =атнашдилар. Вилоят мусоба=аси Жар=ыр\он туман щокимлиги ташаббуси билан шащарнинг марказий стадионида март ойининг 5-7 кунларида ю=ори савияда ытказилди. +айтадан таъмирланган «Пахтакор» стадионида былиб ытган кураш мусоба=асида 360 дан орти= полвонлар иштирок этдилар. Рустам Эргашев ытказилган мусоба=анинг мутла= \олиби былди.

Хал=аро турнир 1993 йил 3-5 апрель кунлари ытказилди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан ва чет мамлакатлардан 340 нафар полвон иштирок этди.

Щар бир учрашув нищоятда кескин ва муросасиз былди. Турнирнинг мутла= \олиби сурхондарёлик Ырол Тыраев, II-ыринни Рустам Эргашев, III-ыринни 71 кг вазнда Камол Бойтыраев эгаллади.

Кейинги 1995 ва 2005 йилги турнирлар щам уч бос=ичда ытказилиб курашнинг жащонга юз тутишига жуда катта ащамият касб этди.

Мустақиллик бизга азалий қадриятларимизни, курашимизни қайтариб берди. Истиқлолнинг илк йилла-риданоқ Президентимиз ташаббуси билан қатор хорижий давлат полвонлари иштирокида кураш бўйича нуфузли беллашувлар ўтказишга киришилди. Қоракўлда Турсун ота, Шахрисабзда Амир Темур, Сурхондарёда Ат-Термизий, Бухорода Бахоуддин Нақшбанд, Андижонда Бобур Мирзо, Хоразмда Пахлавон Маҳ-муд хотирасига бағишлаб Президент соврини учун ўтказилган халқаро турнирлар фикримизнинг тасдиғидир.

1992 йили Ўзбекистан Президенти Ислом Каримов Комил Юсупов билан ўтказган сухбатларидан бири-да Термизда кураш бўйича улуғ алломалар шаънига халқаро турнир ўтказиш лозимлигини таъкидлаб, ушбу турнир орқали ота-боболаримизнинг муборак номларини эъзозлаш кераклигини айтиб, ўз кўрсатма-ларини билдирган эдилар.

Шундан сўнг амалий ишлар бошланиб кетди. Му-собақа низоми ишлаб чиқилди. Унга кўра дастлаб мак-таб, техникум, университет миқёсидан тортиб токи вилоятгача бўлган ораликда кураш мусобақалари ўтказиш кўзда тутилди. Сўнгра барча туман ва шаҳарларда ҳам кураш бўйича саралаш беллашувлари ўтказилиши белгилаб олинди.

Бу орада вилоятда кураш жамғармасини тузиш режаси ҳам ўйлаб қўйилди. Орадан кўп ўтмай Вилоят хокимлигида йиғилиш ўтказилди. Таклиф ҳамма-га маъқул бўлди. 1992 йилнинг ноябр ойида ташкилий қўмита тузилди ва унга Мамаюсуф Холбоев раис этиб сайланди.

Албатта, холва деган билан оғиз чучимасди. Халқ-аро турнирни кўнгилдагидек ўтказиш учун катта тай-ёргарлик лозим эди. Биринчи навбатда Термиз шахридаги "Алпомиш" ўйингохини қайта таъмирлаш зарур эди. Тегишли ташкилот, идораларга бу борадаги ишлар бўлиб берилди.

Нафақат вилоят марказида, бал-ки туман, шахарларда ҳам тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Барча ишлар бевосита Вилоят хокими назорати остида олиб борилди. Ҳомийлар сони кўпайиб кетди. Катта миқдорда маблағ тўпланди. Хаттоки азбаройи савоб юзасидан бошқа вилоятлардан ҳам кишилар хайрия жамғармасига хисса қўшдилар. Қилинган ишлар эса вилоят "Сурхон тонги" газетасида изчиллик билан ёритиб борилди. Масалан, шу газетанинг 1993 йил 3 апрел сонида "Хайрли ишга хисса қўшганлар" сарлавхаси остида қуйидаги рўйхат берилган эди: Худойберди Маҳмудовлар (Термиз хайвонот боғи директори) оиласи 27 минг сўм,
Эшболта Шерматов, Шурчи тумани хокими 125 минг сум, Вилоят марказий банки жамоаси 38 минг 100 сўм, Вилоят гўшт-сут саноати ишлаб чиқариш бирлашма-си жамоаси 160 минг сўм, Денов марказий банки жамоаси 80 минг сўм,

Маматқул Ҳайдаров, Термиз нон заводи директори 50 минг сўм, Эшмирза Тўраев, нафақахур, 15 минг сўм, Эшпўлат Худойбердиев, нафақахўр 15 минг сўм пул топши-ришди.Ўша даврда Жарқўрғон тумани хокими бўлиб иш-лаётган Жура Норалиев курашнинг вилоят босқичи мусобақасини ўтказишни ўз зиммасига олди. Шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан полвонлар вилоят босқичида қатнашиш учун Жарқўрғонда тўпланишди. Бу воқеа тахминан 1993 йилнинг феврал ойи охирла-рида бўлган эди. Турнирнинг вилоят босқичи кутилганидан хам уюшқоқлик билан ўтди. Вилоят босқичи бел-лашувларини Хаким Бердиев, Жўра Норалиев, Мамаюсуф Холбоев, шунингдек барча туман хокимлари, мамлакатдан ташриф буюрган мураббийлар, мутахассислар зўр кузатиб билан кузатиб, баҳолаб бордилар. Турнирнинг вилоят босқичида Рустам Эргашев билан Эрали Махмарасулов зурларнинг зўри дея тан олинди. Шу курашда Рустам полвон Эрали полвонни енгди. Сўнгра Ўрол повлон Тўраев ва Рустаги полвон Эрга-шевлар ҳал қилувчи беллашувга чиқдилар. Икки кат-та полвоннинг кучи тенг келди ва турнир ҳаками икка-ла полвонни ҳам турнир ғолиби деб эълон қилди.

Дарвоқе, ўша йили турнирнинг туман ва вилоят босқичлари уч ой давом этди. Сўнгра ташкилий қўмита йиғилиш ўтказди. 50 нафар полвон саралаб олинди ва спорт машқларига жалб этилди. Уларга Жума Тошпўлатов бош мураббийлик қилди. Рўзи Ўтаев ва Сафар Қосимовлар машғулотларга бошқош бўлишди. Машғулотлар бошланиб кетди. Айтганча, машғулотлар олиб бориш учун шароит ҳам қилиб берилган эди. Ётоқхона, овқатланиш, ювиниш учун спортчиларга имконият қилиб берилди. Терма жамоа учун махсус китоблар ажратилди. Дам олиш кунлари мураббийлар ва полвонлар яйловларга чиқиб машқ қилишарди. Кенг, поёнсиз майдонларда футбол ўйнашарди.

Полвонлар бўлажак катта турнирга ўзларини чоғлай бошладилар. Ҳафтасита икки марта 12 километр масофага югуриш машқи ўтказиларди. Шу тариқа полвонлар ортиқча вазндан халос бўлишди. Мутасаддилар ва мутахассислар мусобақаларга тайёргарлик қиёмига етиши учун бор кучини аямадилар. Газета, радио, телевидение орқали тарғибот-ташвиқот ишлари қизғин бошлаб юборилди.

Ташкилий кумитанинг бир галги йиғилишига Комил Юсупов ҳам ташриф буюрди. Турни рни ташкил қилиш ва унга Халқаро турнир мақоми беришни мамлакат раҳбариятидан сўраш масаласи қўйилди. Хомийлар белгиланиб, ҳар бир ташкилот, корхона, жамоага у ёки бу ишлар юклатилди. Дейлик. турнирга келганларга хизмат кўрсатиш, овқатлантириш, меҳмонхона билан таъминлаш ва хоказолар. Бунинг барчаси ихтиёрий равишда хомийлар томонидан амалга оширилади.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ ташкил этила бошлаган Кураш мусобақалари янги халқаро Кураш қоидалари асосида ўтказила бошланди. Бир пайтлари давраларда айқашуйқаш либосларда, чангтўзонга қоришиб ўтказилган Кураш тадбирлари истиқлол насимлари туфайли том маънода спорт кўринишини олди. Шу ўринда Комил Юсупов томонидан ишлаб чиқилган халқаро Кураш қоидасини келтириб ўтишни жоиз топдик. Зеро, бугунги кунда дунёдаги кураш мусобақалари ай-кай ушбу тизимда ўтказилади.

## 2.2. Кураш мусобақалари Низоми

а) мусобақанинг низоми мусобакани ташкил қиладиган ташкилот томонидан тузилади ва тасдиқланади;

б) мусобака низомида қуйидагилар қайд этилиши лозим:

1. Мусобақа тури.
2. Мусобақанинг мақсади ва вазифалари.
3. Қатнашувчи ташкилотлар ва жамоалар, қатнашувчи (спорт таснифи, ёши, жинси, қайси жамоадан эканлиги).
4. Мусобақа ўтказиш жойи ва вақти.
5. Мусобақа ўтказиш тартиби.
6. Мусобақада иштирок этиш шарт-шароитлари.
7. Мусобақани ўтказишга масъул ташкилот.
8. Ҳакамлар ҳайъати.
9. Беллашув вақти.

10 Мусобақада иштирок этиш учун аризалар бериш муд-дати.

11 Тиббий назорат ва тозаликни таъминлаш тартиби.

12 Мандат комиссиясига тавсия этиладиган хужжатлар.

13 Норозиликлар билдириш ва уларни кўриб чшқиш тар-тиби.

14 Мусобақа ўтказиладиган сана ва ҳар бир вазн тоифасида беллашувлар бошланиш вақти.

15 Мусобақа ғолиблари ва совриндорларини мукофот-лаш тартиби.

## 2.3. Мусобақа турлари

1.Шахсий биринчилик

2.Жамоа биринчилиги.

3.Шахсий ва жамоалар биринчилиги.

4.Очикқ гилам биринчилиги.

5.Мутлоқ биринчилиқ

а) шахсий биринчилик: ҳар бир курашчининг беллашув натижалари узининг шу мусобақадаги олган урнини аниқлаш учун ўтказилади. Мусобақа охирида ҳар бир вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

б) жамоалар биринчилигида: ҳар бир жамоанинг олган ўрни аниқланади.

в) шахсий ва жамоалар биринчилигида: ҳар бир қатнашчининг олган ўрни ва шунга қараб ҳар бир жамоанинг олган ўрни аниқланади.

г) очиқ гилам биринчилигида: ҳар бир курашчи ўзининг спорт классификацияси, унвони ва маҳоратини ошириш учун беллашади.

д) мутлоқ биринчиликда: хар қандай курашчи вазн тоифасидан қатъи назар - Бош ҳакам рухсати билан, қатнашиш ҳуқуқига эга.

## 2.4. Кураш формаси

1. Курашчилар кўк ёки яшил ва оқ рангли иштон кийишлари шарт ва бу холда биринчи чиқарилган қатнашчи кўк яктакни кияди, иккинчиси эса яшил яктакни кияди. Рангларнинг рақамлари: кўк - 5 - зм; яшил - 4 - кх.

2. Кураш формаси пахтадан тайёрланган бўлиши, мато ўта қаттиқ бўлмаслиги шарт.

3. Қуйидагича белгилаш рухсат берилади;

- давлат герби (чап кўкракда, максимал ўлчами 10х10 см);
- ишлаб чиқарувчининг савдо белгиси (3х3 см, яктакнинг олди пастки қисмида)
- елкадаги белги (25 см. дан кўп бўлмаган, 5 см. энига);
- тикишлар (25 х 25 см. орқа тарафда рухсат берилади, спортчининг фамилиясини жойлаштириш мумкин).

4. Яктакнинг узунлиги тиззадан 15-20 см. баландда бўлиши лозим. Яктак устидан бел атрофида икки марта ўралиб богланган белбоғаинг тугундан учигача бўлган қисми 20 см дан кам бўлмаслиги керак. Яктак ранглари узунлиги кўпи билан қўл тирсагидан 20-25 см пастда бўлиши керак Қўл ва енг ораси 8 см бўлиши керак. Иштон узунлиги оёқ тўпиғигача бўлиши керақ Оёқ ва иштон

орасидаги бўшлиқ бутун узунлиги бўйича 15 см. Белбоғ 4-5 см энига, ранги қизил бўлиши керак.

5. Курашчи аёллар яктак ичидан оқ рангли футболка ёки трико устидан калта енгли ёқасиз кўйлак кийиши керак.

6. Агар курашчининг кийими (яктак ва иштон) талаб-ларга жавоб бермаса, ҳакам курашчидан уни алмашти-ришни талаб қилиши шарт. Курашчи қўлларини олдин-га узатиб, ҳакамни яктак енглари белгиланган қоидалар-га мос эканлигига ишонтириши шарт.

7. Ҳар икки жинсдаги курашчилар ҳам яланг оёқ кура-шадилар.

## 2.5. Кураш мусобақасида ишлатиладиган иборалар ва ишоралар

1. **"ТАЪЗИМ"** - курашчилар ўнг қўлларини чап кўксида тутган ҳолда бир-бирларига бўйин эгиб саломлашиш учун ишлатиладиган ибора.

Бу иборани ишлатганда ҳакам иккала қўлини кафтла-ри билан олдинга, ён томонга очиб, кейин бармоқлари юқорига қараган холда баланддан букиб, қўлларини ич-карига айлантириш ишорасини қиладилар, бу вақтда иккала қўлнинг бармоқлари бир-бирига учма-уч ҳолига келиши керак.

2. **"КУРАШ"** - полвонлар бир-бировларига таъзим қилиб. саломлашгандан кейин беллашувни бошлаш учун

ҳакам томонидан ишлатиладиган ибора. Ҳакам ўнг қўли-ни кафтлари билан ён томонга қаратган тирсакдан бир оз букиб ишора қилади.

3. **"ТЎХТА"** - беллашув давом этаётган вақтда белла-шувни тўхтатиш учун

ишлатиладиган ибора. Бу вақтда ҳакам ўнг қўлини кафти билан олдинга қаратган ҳолда (бармоклар бир жойга жипслашган) олдинга чўзиб ишора қилади.

4.**"ҲАЛОЛ"** - курашчилардан бирови соф ғалаба қил-ган вақтда ишлатиладиган ибора. ҳакам ўнг қўлини кафти билан олдинга қаратган ҳолда юқорига кўтариб (бар-моқлар жипс ҳолда) ишора қилади.

а) икки **"ЁНБОШ"** баҳоси олса;

б) рақиб усул ишлатиб, ўзи иккала курагига йиқилса берилади;

в) рақибига **"ҒИРРОМ"** берилса;

г) **"ЁНБОШ"** олган ҳолда рақибида **"ДАККИ"** бўлса;

д) рақиб 3 минут ичида гиламга чиқмаса.

5.**"ЁНБОШ"** -Ҳакам қўлини кафтлари билан пастга қаратган ҳолда (бармоқлар бир жойда жипс) ён томонга чўзиб ишора қилади.

а) курашчилардан бири усул қўллаб, рақибини тезлик билан бир курагига йиқитса;

б) ёки рақибига **"ДАККИ"** эълон қилинса.

6.**"ЧАЛА"** - баҳо курашчилардан бири усул қўллаб, усулни охиригача тўлиқ бажара олмаса ишлатиладиган ибора. Бунда ҳакам қўлини кафти билан олдинга қаратган ҳолда тирсагидан букиб ишора қилади.

а) курашчилардан бири усул қўллаб тўлигича бажара олмаса;

б) рақибига **"ТАНБЕҲ'** эълон қилинганда берилади;

в) нечта **"ЧАЛА"** баҳоси берилишидан қатъи назар уларнинг умумий сони жамланмайди;

г) агар иккала курашчида ҳам бир нечтадан**"ЧАЛА"** бўлса, ғолиблик кўп **"ЧАЛА"** олган курашчига берилади.

7. **"ТАНБЕҲ'** - биринчи огоҳлантириш, ҳамда ҳакам қўлини олдинга чузган ҳолда бармоги билан танбех, олган курашчини курсатиб ишора қилиб, шу иборани ишлатади.

**"ТАНБЕ^"** огоҳлантириш унчалик катта бўлмаган хатоларга йўл қўйган курашчига берилади.

а) курашчи атайлаб қочаётиб, рақибга ушлаб олишга йўл қўймаса;

б) атайлаб рақибни гиламдан итариб чиқарса ёки ўзи гиламнинг хавфли майдонига чиқиб кетса;

в) атайлаб ўзининг кийимини ҳакамнинг рухсатисиз ечиб юборса;

г) атайлаб рақибнинг кийимини ёки оскларини ушласа;

д) ушлаб олгандан кейин 20-25 секунд вақт давомида усул қўлламаса.

8. **"ДАККИ"** - иккинчи огохлантирищда ишлатиладиган ибора.

ҳакам қўлини мушт қилиб, тирсагидан букиб ишора қилади. (Қўл бармоклар мушт ҳолига келган ва кафт олд томонга қараган бўлиши керак).

**"ДАККИ" - "ТАНБЕХ,"** дан кейин иккинчи, унчалик катта бўлмаган хатога йўл қўйган курашчига эълон қили-нади.

**"ДАККИ"** бирданига берилиши мумкин холлар:

а) курашдан бош тортиб, атайлаб тиззага кўп марта ўтирса;

б) ҳакамнинг буйруқларига риоя қилмаса, номаълум сўзларни гапирса ёки бақирса.

9. **"ҒИРРОМ"** - охирги огоҳлантирищда ишлатиладиган ибора. Ҳдкам қўлини кафтлари билан пастга қаратган ҳолда ён томонга чўзиб икки-уч марта пастга силкитиб ишора қилади.

**"ҒИРРОМ"** - катта хатога йўл қўйган (ёки **"ДАККИ"** жазосини олган ва кейинги пайтда унчалик катта бўлмаган ёки ўрта тоифадаги хатога йўл қўйган) курашчига эълон қилинади.

а) беллашув давомида рақибнинг, ҳакамларнинг шаънига номаъқул сўзларни ишлатса, бақирса, ҳар хил имоишоралар қилса;

б) агар курашчи беллашув давомида рақибига била туриб жароҳат етказса, унда рақибга **"ҒИРРОМ"** эълон қилиниб, шикастланган курашчига "ҲАЛОЛ" берилади.

10. **"БЕКОР"** - олишув тўхтатилгандан кейинги ҳаракатлар учун ёки бажарилган усул баҳолашга нолойиқ деб топилган вақтда ишлатиладиган ибора.

Ҳакам қўлини кафти билан ён томонга қаратган ҳолда (бармоқлари жипслашган) олдинга чўзиб, икки-уч марта чапга ва ўнгга ҳаракатлантириб ишора қилади.

11.**"ТЕНГ"** - олишув тугаган вақтда курашчиларда ба-ҳолар бўлмаган ҳолатда ишлатиладиган ибора. Ҳакам иккала қўлини кафтлари билан пастга қаратган ҳолда ён томонга чўзиб ишора қилади.

12.**"ВАҚТ"** - беллашув вақти тугаганлигини кўрсатиш учун ишлатиладиган ибора. Ҳакам иккала қўлини юқори-га кўтариб кафтларини бир-бирига қадаган ҳолда билак-дан қўшиб ишора қилади.

**ИЗОҲ:** ишоралар ўртадаги ҳакамнинг икки томонда турган курашчиларнинг яктаги рангига қараб ўнт ёки чап қўл билан кўрса-талида. Ўртадаги ҳакам қўл билан ишораларни кўрсатиш билан бир вақтда гилам ўртасида тик холатда ибораларни ҳам баланд овоз билан айтиб бориши лозим.

Тақиқланган хатти-ҳаракатлар

Кураш мусобақаларида қуйидагилар тақиқланади:

- рақибнинг иштонидан ушлаб олиш;
- рақибга шикаст етказиш ёки унинг ҳаётига хавф туғ-дириши мумкин бўлган усулларни қуллаш;
- бўғиш ва оғритиш усулларини қўллаш.

Беллашувнинг бошланиши ва тугаши

**1.**Ҳар бир беллашув бошланишидан олдин уч нафар ҳакам (ўртадаги ҳакам, иккита ён ҳакам) мусобақалар ўтказиладиган майдоннинг четига биргалашиб туриша-ди, ўнг қўлларини чап кўкракларига қўйиб, ўзларининг жойларини эгаллашдан олдин бўйин эгиб таъзим қила-дилар. Мусобақалар ўтказиладиган майдондан чиқиш-дан олдин ҳакамлар такроран четда йиғиладилар ва ўнг қўлларини чап кўксига қўйиб, томошабинлар кўп томон-га қараб, бўйин эгиб, таъзим қиладилар.

2.Курашчилар ҳам гиламга чиқтппдан олдин ва уни тарк этишда, иш майдонига киришда ҳамда ундан чиқиш-да, ҳар бир беллашувнинг

бошланишида, охирида ўнг қўлларини чап кўксига қўйиб, бўйин эгиб таъзим қиладилар. Иш майдони олдидаги эгилишдан сўнг курашчилар махсус белгиланган жойга қадар тўғрига юришлари шарт, кейин ўнг қўлни чап кўксига қўйиб бир-бирларига эги-либ таъзим қилишлари шарт.

3. Ҳакам беллашув натижасини эълон қилгандан сўнг курашчилар яна бир бор ўнг қўлларини чап кўксига қўйиб бир-бирларига таъзим қиладилар ва гиламдан чиқиб ке-тадилар.

4. Ҳакам ва ён томондаги ҳакамлар тайёргарлик ҳола-тида беллашувдан олдин, курашчилар гиламга чиқишлари-дан аввал туришлари шарт.

5. Ҳамма таъзимлар бўйин эгиш орқали бажарилади. Агар курашчилар таъзимни бажармасалар, ҳакам унинг бажарилишини талаб қилиши керак.

6. Гиламдаги ҳакамлар майдонни назорат қилар эканлар, гиламнинг усти текис, тоза, татамилар ораси тешиксизлигига, ён ҳакамлар стуллари ўз жойларида ўрнашишларига ва курашчилар белгиланган қоидалар талабларига жавоб бериб, эътибор қаратишлари шарт. Ҳакам гилам ўртасида вақт руйхатга олинадиган столга қараб тик ҳолатда туриши керак..

7. Ҳакам "ТЎХТА" командасини берар экан, кура-шувчиларни кўриб туриши керак, агар улар командани эшитмасдан қоладиган ҳол келиб чиқса, ўртадаги ҳакам тезда уларга яқинлашиб, беллашув тўхтатилади.

## III БОБ. Турнирларнинг ўтказилиш жараёнлари

### 3.1. I-IX турнирлар ўтказилиши ва президет совринлари

Қадим-қадимдан маълумки, юртнинг орини паҳлавон-лар, мард ўғлонлар, тадбиркор ва ақли донолар олиш-ган. Шунинг учун ҳам Султон Ҳусайн Мирзо Паҳлавон Али Рустойини енгган паҳлавой Дарвеш Муҳаммадни олқишлаб, "Ким менинг бошимни азиз тутишни истаса, Дарвеш Муҳаммадга инъом берсин", деган экан. Полвон-ларнинг кўнгли жуда нозик бўлади. Уни овлаш, қадр-қим-матга етиш осон эмас. Полвон халқи тарбияга, эътибор-га ҳамиша муҳтож. Шунинг учун ҳам подшоҳлар ўз са-ройида полвонларни сақлаб, уларга

алоҳида эътибор би-лан қарашган. Жойи келганда жангу жадалларсиз, фақат полвонларини беллаштириб, шу билан мамлакатнинг ус-тунлигини синашган.

Ана шу урф-одатлар кўп йиллардан буён эътибордан четда қолди. Ўзлигимизни, аникроғи, юртнинг фахри бўлган полвонларимизни йўқотдик. Борларига эса етар-ли эътибор беролмадик. Мустақиллигимиз туфайли қад-риятларимиз тикланди. Минг қатла шукурки, энди ўзи-мизнинг урф-одатларни, миллий курашларни, тўй-томоша-ларни ўтказадиган бўлдик. Термизда ал-Хаким ат-Терми-зий бобомизнинг хотирасига бағишлаб ўтказиладиган Ха-лқаро миллий кураш мусобақасига тайёргарлик бошлан-ган кундан буен юртдошларимиз амалга оширган катта ишларни кўриб турибмиз.

Термиз Буюк ипак йўлига қадар ҳам, жаҳон халқлари-нинг савдо марказига айланганда ҳам, бугунги кунда ҳам Тангрининг назарига тушган юртдир. Неча бор тикланиб, неча бор вайрон бўлишига қарамай, жаҳон халқларининг Термизга, унинг азиз-авлиёларига ҳурмати баланддир.

Улуғ бобомизнинг хотирасини ёдлаб, унинг руҳини шод этиш мақсадида полвонларимизнинг кучини, қув-ватини, юртга меҳрини ор-номусини, меҳмонларга бўлган эътиборини яна бир бор синашга бел боғладик. Курашларимиз катта самара берди. "Алпомиш" ўйин-гоҳи - марказий ўйингоҳ таниб бўлмас даражада ўзгар-ди. Бу ўзгариш полвонларнинг ҳурмати, эъзозланиши эвазига бўлди.

Ўтмишда подшоликнинг байроқларини полвонлар му-сиқа садолари остида кўтаришган. Бугун ҳам худди шундай бўлади. Республикамизнинг, меҳмонларнинг байроқлари марказий ўйингохни безаб туради. Биз ўтмишни қоралаш-дан, тарихий шахсларнинг бошидан қора балчиқларни тўкишдан йироқдамиз. Бизнинг ўз йўлимиз, ўз мақсадимиз, кураш усулларимиз бор. Энг муҳими, эртанги кунимизнинг умиди бўлган ёшларни тарбиялаш диққат эътиборимизда турибди. Келажакнинг қандай бўлиши уларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз ишни спортдан бошладик. Энди навбат шоиру ёзувчиларга, санъаткору меъморларга. Қадимий ёд-горликларнинг қурилиишни, турли рангларда жилвалана-ётган бўёкларнинг

таркибини хорижда ўрганиб, ҳамон охи-рига етказа олишгани йўқ.. Биз ўша ота-боболаримизнинг, паҳлавонларнинг фарзандларимиз-ку, ахир.

Меҳр-саховат кўрсатишни ҳам, юртни ҳимоя қилиш-ни ҳам, ўз ерига садоқатни ҳам биздан ўрганишган. Биз бағрикенг, савобталаб, ота-оналарининг руҳларини шод этиш руҳида тарбияланганмиз. Бугунги бўладиган кураш-га келган хар бир томошабиннинг калбида бир олам орзу, тилак ва юртига бўлган эхтиром бор. Полвонини олқиш-лаган, қадрлаган эл ҳеч қачон хор бўлмайди. Асад Болтаев, Ҳасан Худойбердиев, Тоштемир Муҳаммадиев, Эш-бой Жабборов, Бахтиёр Раҳмонов, Бахтиёр Бегимқулов, Жаббор Маҳмудов ва бошқаларнинг энг кучли курашчи-лар сифатида тан олинганлигидан фахрланамиз. Улар бугун Сурхондарёнинг, Ўзбекистоннинг шуҳрати учун бел боғлаб, майдонга тушишади.

Ростини айтганда, юртимизда шундай полвонлар бор-лигига ишонмасдик. Жарқўрғонда бўлиб ўтган Вилоят бўйича саралаш мусобақаларида зўрларнинг зўри кўрашиб, бир-бирини синовдан ўтказишди. Биргина полвонлар эмас, балки халқимиз ҳам синовдан ўтди. Ўша кунги совуқда ва ёмғир остида долган томошабинлар, аввало, Термиз отага, қолаверса, юрт полвонларига бўлган хурмат учун туриб беришди. Халқимизнинг иноқлигига, хамкорлигига, оғзи бирлигига тасаннолар айтгинг келади.

Яна бир нарса: полвонлар баҳона Термизийлар макони - Термиз шаҳри ободонлашди. Йўлларга асфальт тўшалиб, гуллар, турли хил дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бу дастлабки қадамлар, албатта. Энди ҳар икки йилда бир марта шундай кураш мусобақалари бўлиб ўтаверади. Энг муҳими, келган азиз мехмонларнинг ҳурматини қозона олсак, нур устига нур бўлур эди.

Юртни азиз деб билган, полвонларни ор-номусимиз-нинг курашчиси деб билган ҳар бир сурхондарёлик уларга қанча инъом берса оз. Полвонларнинг халол, ўз кучи билан ғолиб бўлиши, қўйилган совринларии ҳақиқий эгаларига бе-рилиши учун курашмоғимиз керак. Ўшанда полвонлар хам, мухлислар хам, халқ хам бизга ишонади. Халқнинг ишончи - улуғ неъмат.

Азиз полвонларимизни, юртимизни Тангрининг ўзи хар қандай балоқазолардан асрасин!

*М.П.ХОЛБОЕВ,*
*биринчи Халаро миллий кураш*
*мусобсқасинни ўтказиш бўйича*
*ташкиший қўмита раиси.*
*1993 йил, 1 апрел.*

### 3.2. БИРИНЧИ ТУРНИР

Шундай қилиб, катта режалар, пухта тайёргарлик ва неча ойлик илҳақлик, хаяжонлардан сўнг, яъни 1993 йил апрел ойи бошида ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб Миллий кураш бўйича дастлабки Халқаро турнир хам бошланиб кетди. Термиз шахридаги "Алпомиш" марказий ўйингоҳи мухлис, томошабинлар билан тўлиб кетди. Ўн минг киши базўр жой бўладиган ўйингохга ун беш минг нафардан кўпроқ томошабин ташриф буюрди.

Биринчи турнирга Ўзбекистан Республикаси Президенти Ислом Каримовдан табрикнома келди. Вилоят Ҳокими уни йиғилганларга ўқиб берди. Ҳамма қувонч ва хаяжонда эди.

Дарвоқе, I турнирнинг бош ҳаками таниқли спортчи, Ўзбекистон чемпиони Жума Тошпўлатов бўлди. Турнирда қатнашиш учун чор тарафдан полвонлар келишди. Биргина Қашқадарё вилоятидан 60 чоғли зўр-зўр полвонлар ташриф буюришди. Машҳур чемпион, қиличбоз Собир Рўзиев хам иззатли томошабин сифатида келди. Турнир беллашувлари қизгин ва мазмунли ўтди.

I Халқаро турнир эсда қоларли қизиқарли воқеаходисаларга бой бўлди. Энди оёққа тураётган турнирни ўтказиш учун нима бўлганда хам маблағ масаласи бир қадар муаммо бўлиб турарди. Лекин халқ буни англади. Турниролди мусобақаларида ғолиб чиққан полвонларимизни халқ. тарафидан, ота-оналардан тушган маблағлар хисобига мукофотладик. Иш анча осон кўчди. Турнирнинг вилоят босқичи Жаркўрғон туманида ўтказилаётганида бир кураш мухлиси ўз томорқасидан ўн қути лимон келтириб томошабинларга, полвонларга тарқатиб чиқди. Унинг хурсандчилиги шу қадар чексиз эдики, буни у шу тариҳа ифодалади.

Тожикистон Республикасидан почта орқали ал-Хаким ат-Термизий жамғармасига пул жўнатишди. Қарангки, I Халқаро турнирга ташриф буюрган афғонистонлик мухлислар хам ғолибларга совға-саломлар олиб келишди. Ви-лоятимиздаги бақувват бир ташкилот бир нечта телевизор хадя қилди. Ҳатто кимдир тикиш машинаси совға қилди. Ҳайрон қоладиган жихати шундаки, хар ким холислик би-лан турнир жамғармасига улуш қўщди. Турнирнинг дов-руғли ўтишида сурхондарёликларнинг якдиллик билан са-хийлик кўрсатишлари алоҳида хисса бўлиб қўшилганини айтмаслик мумкин эмас. Улар курашга бўлган мухаббат-ларини шу тариқа намоён қилган эдилар.

I турнир кутилмаганда шов-шувларга тўда бўлди. Турнир беллашувларини кекса полвонлар бошлаб бердилар. Айнқса, Янгиариклик Рўзи полвон билан Йўлдош бобо Абраматов-лар кураш тушганини мухлислар завқ билан кузатди. Ана шу беллашув мухрлчанган тасвир бутун дунёни айланиб чиқди. Бу саҳна хамон телевидениеда намойиш қилинади. Рус полвони Шмакнинг кураш тушиш махорати кўпчиликнингт ёдида мих-ланиб қолди. Камол полвон Тўра Эшнаевни елкасидан оши-риб отганида бутун ўйингох ларзага келди. Хуллас, бу каби воқеалар жуда кўп. Уларнинг хар бири кураш билан улғай-ган, кураш завқи яшайдиган халққа хос холатлар эди. Айтиш керакки, I турнирда сурхондарёлик полвонлар фаол қатнашдилар ва шиддат, ғайрат билан кураш тушдилар. Шу ўринда ғолиб бўлган сурхондарёлик пол-вонларнинг номларини бир-бир санаб ўтсак фойдадан холи бўлмайди. 66 килограмм вазнда Жаббор Махмудов, Ҳусан Худойбердиев, 73 килограмм вазнда Бахром Арзиев, Камол Бойтўраев, Илхом Даминов, Қаҳрамон Болтаев, 90 килограмм вазнда Бахтиёр Арзиев, Тўра Эшнаев. Тоштемир Муҳаммадиев, 90 килограммдан юқори вазнда Рустам Эргашев, Ўрол Тўраев фахрийлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлишдилар, 70 килограмм вазнда Оллоёр Худойқулов, Баҳром Эшмуродов, 80 килограмм вазнда Ҳасан Эшназаров, Ашурали Ёров, 90 килограмм вазнда Нортожи Бойматов, То-ҳир Дурдиев, 90 килограммдан юқори вазнда Абдулла Бакиров, 70 килограмм вазнда Худойберди Мустанов, 80 килограмм вазнда Сафар Қосимов, Яхши-бой Қаршиев, Жўра Сафаров, Виктор

Булатов, 90 килограммдан юқори вазнда Бобохон Худойбердиев, Жўра Тошматовлар дастлабки турнир курашларида кўп сонли мухлисларнинг яна эътиборига тушдилар.

Албатта, бошқа мамлакатлардан, қўшни вилоятлардан, ташриф буюрган катта полвонлар ҳам турнир довруғини янада оширишга ҳисса қўшдилар. Масалан, қашкадарёлик Одил Хушвактов, Исоқ Аҳмедов, Сайфулла Расулов, Мав-лон Аҳмедов, Худойбердиев, Ғулом Чориев, бухоролик Нор-мухаммад Юсупов, хоразмлик Даврон Қаландаров, тош-кентлик Зокир Шарипов, тожикистонлик Абдулла Очил-диев, афғонистонлик Карим полвонларнинг кураш тушиш-ларини томошабинлар катта завқ, ҳаяжон билан кузатиб бордилар ва уларга астойдил тан бердилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, илк турнирда мутлоқ ғолиб-лик фақат сурхондарёликларгагина насиб этди. Қумқўр-ғонлик довруғли Урол полвон Тўраев термизлик Камол Бойтўраев билан ҳал қилувчи курашга тушадилар. Икки полвон шиддат билан кураш тушдилар. Пировардида Ўрол полвон ғолиб чиқиб, Президентимиз томонидан қўйилган бир миллион сўм пул мукофотини олишга му-шарраф бўлди.

Дастлабки турнир ўтказилган 3-4 апрел кунлари ҳаяжонли ҳолатлар кўп бўлди. Ана шу турнир кунлари ас-римизнинг зўр полвонларидан бири марҳум Тоҳир полвон Дурдиев кураш майдони билан хайр-хўш қилди. Сўнгги бор майдонда элдан дуо олди. Йигирманчи аср катта полвони-нинг кураш билан хайрлашиши бутун уйингохига йиғилган-ларни ҳаяжонга солди. Ҳурмат ва эҳтиром сифатида То-ҳир полвон тўрт тарафга қараб таъзим бажо келтирди. Ўйингоҳни олқиш тутиб кетди. Елкаси ерга тегмаган полвон учун бу галги олқиш, қарсаклар алохида мазмун ва қимматга эга эди. Тоҳир полвон хаяжон ичида сўзлади, шу дақиқада унинг кўзларидан миннатдорлик, хайрла-шув ёшлари келаётган эди.

Биринчи турнир курашларида Бобохон Худойберди-ев, Тўра Тошматов, Жўра Тўраев, Рустам Эргашев, Тўра Эшнаев, Бахтиёр Арзиев,

Тоштемир Муҳаммадиев, Яхшибой Қаршиев, Жабборқули Маҳмудов, Ҳусан Худой-бердиевлар ўз вазнларига кўра голиб бўлишди.

Ўша унутилмас 1993 йилнинг 3 апрелида эрта тонгдан байрам либосига бурканган Термиз шаҳрини карнай-сур-найлар садоси тутиб кетди. Шаҳар халқи хаяжон, шавқ билан уйғонди. Турнир бошланишидан аввал ал-Ҳаким ат-Термизийнинг таржимаи ҳоли ўзбек, рус, инглиз тил-ларида ўқиб берилди.

Мазкур турнир ғолибларига музработлик таникли тадбиркор Қурбон Амирқулов бахайбат ҳўкиз совға қхтлди. Бир киши туя яна бир киши эса от совға қилди. Бутун эл, халқ сахийлик қилди.

Биринчи турнирга Республикамизнинг барча вилоят-ларидан кўплаб томошабинлар келишди. Қарангки, ку-рашни томоша қилмоқ учун биргина қўшни Қашқадарё вилоятидан бир неча минг мухлис келди. Тожикистон, Туркманистон ва қўшни Афгонистондан ҳам кўплаб пол-вонлар ва томошабинлар ташриф буюрдилар.

Халқнинг қ.изиқишини, ўйингоҳни лиммолим тўлга-нини кўрган бразилиялик мехмонлардан бири шундай деган эди:

- Бизда фақат футболга одам шундай кўп келади. Сизларда эса курашга ҳаддан зиёд қизиқишаркан ва кўп ке-ларкан. Бундай ҳолни биринчи марта кўришим.

Турнир якунида, ўйингох бўйлаб, автомашинада ғолиб полвонлар Ватанимиз — Ўзбекистан байроғини олиб ай-ланганларида бутун ўйингох ахли уларни оёққа қалқиб фахр билан олқишладилар. Бу манзарани асло ва асло унутиб бўлмайди. Термиз шаҳрида бўлиб ўтган дастлаб-ки Халқаро турнир миллий курашимиз тарихида алоҳи-да боб, сахифа бўлиб қолажакдир.

## *3.3. ИККИНЧИ ТУРНИР*

1995 йилнинг 8-9 апрел кунлари Ватанимизнинг жа-нубий шаҳри Термиз яна байрам либосига бурканди. Шу кунлари ал-Хаким ат-Термизий

хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича анъанавий II Халқаро турнир бўлиб ўтди. Айтиш мумкинки, бу аввалги турнирдан ҳам кўра қизиқарлироқ равишда бўлиб ўтди. Беллашмоқ ва ўз кучини намойиш этмоқ учун чор тарафдан зур повлонлар сараланиб келишди. Турнир очилиш чоғида маърузачи-лардан бири ҳаяжон билан шундай деган эди: "Биз Дав-ман, Карим, Қурбонмурод, Раҳмон, Исмат, Алимардон, Тоҳир, Шафоат, Ўрол, Рустам, Эргаш каби полвонлар билан фахрланамиз. Уларнинг номлари аллақачон эл оғзида достон бўлиб юрибди".

Икки кун давом этган кураш дамлари чуқур ва унутилмас таассуротларга жуда бой бўлди. Хоразмлик Санъатбек Одамбоев, Эркин Хўжаниёзов, бухоролик Фахриддин Умаров, Эрали Юсупов, Хайрулло Насрул-лаев, қашқадарёлик Одил Хушвақтов, Муҳаммаддуст Тошев, Республика ички ишлар вазирлигидан Владимир Шмаков, Армен Богдасаров, тошкентлик Камол Муродов, Дмиртирий Соловьев, сурхондарёлик Саид-акбар Мутинов, Жабборқули Маҳмудов, Ҳасан Худой-бердиев, Махтумкули Маҳмудов, Тўлқин Болтаев, Бахтиёр Арзиевлар ўз вазн тоифаларига кўра турнир ғоли-би бўлишди. Турнирнинг мутлоқ ғолиблиги учун курашларда сурхондарёлик  Рустам Эргашев биринчи, қаш-қадарёлик Баҳром Авазов иккинчи, термизлик Баҳодир Ҳасанов эса учинчи уринларни қўлга киритишди. Айниқ-са, финалда забардаст икки полвон - Рустам Эргашев ва Баҳром Авазовларнинг кураш тушишлари турнирнинг унутилмас онларидан бўлди дейиш мумкин. Икки катта полвоннинг кураш тушишини бутун ўйингоҳдаги томошабинлар диққат билан кузатиб турдилар. Ғолиблик жар-қўрғонлик Рустам полвон Эргашевга насиб этди. У Президент соврини "ГАЗ-31" енгил автомашинаси соҳиби бўлди. Иккинчи ўринни эгаллаган Баҳром Авазов эса Вилоят ҳокими соврини -бир от, гилам ҳамда 200 АҚШ доллари билан мукофотланди. Учинчи ўринни олишга муваффақ бўлган Баҳодир Ҳасанов туя, гилам билан тақдирланди.

Кураш ўз номи билан кураш. Унда қизиқ ҳолатлар ҳам юз беради. Яшириб нима қиламиз, айрим ҳолатлар-да номардликлар ҳам юз берди. Бир гал ташкилий қўмита иши-га аралашиб юрганлардан бири ёнимизга келиб шундай таклиф қилди: "Фалон полвонга туяни, фалон лолвонга отни берингизлар". Табиийки, биз унинг бу таклифини қабул қилмадик.

Турнирга бағишлаб чиқарилган чиройли плакатлар, Термиз шахрининг тасвири туширилган нишонларни дукон-ларда соттирган айрим "тадбиркор"лар ҳам бўлди.

Балки эсингиздадир: дастлабки турнирлардан бири-да хоразмлик мураббийлардан бири хакамлик қилди. Майдонда эса хоразмлик полвон кураш тушарди. Гапиинг рости, у маҳорат билан курашаётган эди. Хуллас, хоразмлик полвон катта устунлик билан рақибининг курагини ерга теккизди. Бундай холда ҳакамлик қилаётган киши Одамбой полвоннинг ғолиб чиққанлигини қўли билан ишора этиб, маълум қилиши керак. Қизиғи шундаки, хоразмлик ҳакам эса қувонганидан ўзини уиутиб, қўлини баланд кўтарганча даврани айланиб кетди. Бир қарасангиз, бу ҳолат рақсга ҳам ўхшарди. Хакам бу ҳаракатлари билан ўз вилоятидан келган полвонга жуда хайрихохлигини, унинг ғалабасидан 6ағоят хурсанд эканлигини ўзи билмаган холда намоён қила-ётган эди.

Шуни таъкидлаш ўринли бўлардики, II Халқаро тур-нирни ўтказишга аввалгидан хам кўра жиддий тайёргар-лик ишлари кўрилди. Масалан, турнир ғолиблари учун медаллар, нишонлар, шунингдек, миллий ҳунармандчилик санъатимиз намуналари, йилномалар, вимпеллар, таклифнома ва бошқа бир қатор махсус атрибутларни тайёрлаш учун нашриёт, завод ва тўқув фабрикаларига буюртмалар берилди.

Миллий кураш қоидаларига ва талабларига жавоб бе-радиган миллий кураш кийими ва хакамлик либоси Термиз тикув фабрикасида махсус тайёрланиб, миллий кураш тарихида биринчи маротаба барча турнир иштирокчила-ри, ҳакамлар махсус кийимлар билан бепул таъминланди. Турнир миллий кураш кийимида ўтказилди.

Яна бир нарса: вилоятда халқимиз севган миллий курашнинг оммавийлигини ошириш, ривожлантириш йўли билан ёшларнинг спортга бўлган ихлосини кучайтириш, кураш билан шуғулланувчилар сонини кўпайтириш ва соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида турнир олди мусобақаларини уч босқичда ўтказиш пухта амалга оши-рилди. Яъни мактабларда, ўқув юртларида, жамоа хўжаликларида ва ташкилотлар орасида, иккинчи босқич шаҳар, туманлар миқёсида, учинчи босқич эса вилоят полвонларини саралаш мусобақаларини ўтказиш билан II Халқаро турнирга тайёргарлик ишлари амалга оши-рилди. Турниролди биринчи, иккинчи, учинчи босқич мусобақаларида вилоятимиз бўйича 500 минг нафарга яқин турли ёшдаги полвонлар роса олти ой мобайнида куч синашдилар. Мусобақа қатнашчиларининг энг ёши кичиги 10 ёшда эди.

Турнир олди босқич мусбоқаларини ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказишда шахар, туман хокимлари рахбарлигида ташкилотлар, корхоналар ҳамкорлигида вилоят халқ таълими бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари, спорт ташкилотлари фаоллик кўрсатишди.

Вилоят полвонларини саралаш учинчи босқич мусобақасини Жарқўрғон тумани хокимлиги ташкилотлар, корхоналар ҳамкорлигида сарф-ҳаражатларни тўлиқ ўз зиммасига олди ва беллашувларни кўнгилдагидек ўтказишни ташкил этди. Жарқўрғон туманидаги "Пахтакор" ўйингохи икки кун давомида қизғин беллашувлар билан обод бўлиб турди.

Турнир олди учинчи босқич натижасига кўра саралан-ган вилоят терма жамоаси таркиби 20 кун давомида Термиз шахрида малакали мураббийлар жалб қилинган холда полвонларнинг ўқув-тайёргарлик машғулотлари ўтка-зилди.

Ниҳоят, 8-9 апрел кунлари Термиз шахрида II Халқа-ро турнир мусобақаси 225 нафар полвон иштирокида ўтка-зилди. Кураш олти вазн тоифасида бўлди ва турнирнинг мутлоқ чемпионати ўтказилди. Мутлоқ чемпионат учун 38 нафар сара полвон ўзаро куч синашди.

Турнир мусобақасида қўшни Туркманистон, Тожикис-тон республикаларидан 47 нафар, мамлакатимиз вилоят-ларидан 1124 нафар сара полвон, вилоятимиздан эса 55 нафар полвон иштирок этишди. Ўтказилган турнир қат-нашчиларининг таркиби нихоятда кучли бўлиб, унда 14 нафар полвон Халқаро миқёсдаги спорт усталари, 88 нафар полвон спорт устаси, 93 нафар полвон спорт устали-гига номзод ва 30 нафар полвон 1 -даражали спортчилар эди. Мусобақа қатнашчиларидан 187 нафари 25 ёшгача, 38 на-фари эса 35 ёшгача бўлган полвонлар бўлганлиги хам эътиборга лойиқдир.

II Халқаро турнирни ўтказишда 32 киши ўакамлик қилди..Мандат комиссияси таркибида 6 киши иш олиб борди. 50 нафардан ошиқроқ ҳакам мусобақа олдидан икки кунлик ўқув-семинаридан ўтказилиб имтиҳон қилинди. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган 32 нафари-га мусобақада ҳакамлик қилишга рухсат берилди.

Вилоятимизда ўтган Халқаро турнирда шерободлик полвон Қаҳрамон Болтаев билан россиялик полвон майдонга тушдилар. Шунда рус полвонининг қўли рақибидан бир оз баланд кела бошлади. Бироқ хакамлар озроқ хатога йўл қўйиб, Қахрамон полвоннинг ёнини ола бош-ладилар. Шу пайтда қизиқ холат юз берди. Кутилмаган-да чиройли кураш тушаётган рус полвонига бутун ўйин-гоҳ - барча томошабинлар хайрихох бўлишди. Халқ қаттиқ туриб олгач, ҳакамлар ғалабани рус полвонига беришга мажбур бўлдилар. Чунки рус полвони чиндан хам зўр эди. Ана шу полвон Россияга қайтиб боргач, телевидение мухбирларига интервью беради. Кўзларига ёш олиб, ўзбек халқининг, сурхондарёликларнинг, мухлисларнинг мардлиги ва тантилигини рўй-рост айтади.

Ўзбек миллий кураши нима учун бутун дунёда довруқ қозонмоқда? Нега унинг нуфузи тобора ортиб бораётир? Чунки бу кураш мардларнинг, ботир ва халол одамлар-нинг курашидир. Унинг шундай эканлигини амалда исботлаётганимиз учун хам мавқеи жахрнга ёйилмоқда.

Миллий кураш шундайки, қанча полвон бўлса, шунча кураш усули, санъати ҳам бор деб айтиш мумкин. Пол-вонлардан ҳар бирининг ўзига хос, бошқаларга ўхша-майдиган кураш услублари, ҳаракатлари борки, аксари-ят

холларда буни бошқалар такрорлай олмайдилар. Пол-вонлик нозик санъат, катта маҳорат, куч, ҳийла, чаққон-лик довюраклик ҳалоллик каби хислатларни талаб эта-диган ишдир.

Ўзбек миллий курашининг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, уларни полвонлар турлича вазиятларда қўллайди-лар. Шулардан бири "тўғаноқ" деган кураш усули. Бунда рақибни худди елкага оладигандек судраб кетаверади. Пайт пойлаб бораверилади ва баноғоҳ оёғига чил бериб, орқага итарилади. Шу тариқа ғалабага эришилади. Агар билсан-гиз, шу усулни Бахром Авазов пухта эгаллаган.

Чори полвон Бобониёзов вақти-замонида "ёнбош", "уча", "қоқма"ни роса жойига қўйиб кураш тушарди. Шафоат полвон Шомуродов раҳматли 100-120 кило вазн-даги полвонларни ҳам икки енгидан маҳкам ушлаб елкасидан ошириб, улоқтириб юборар ва ғолиб чиқарди. Ра-жаб полвон Худойқулов рақибини югуртириб (тескари) "қоқма"га оларди. Шу усул унга куп ғалаба келтирарди. Бобохон полвон Худойбердиев "ўрама" ёки "бойпечак" деган усули билан рақибини осон мағлубиятга учратарди.

Термизлик Жўра полвон Сафаровнинг елкадан ошириб отишлари зўр-зўр рақибларини, довруғли полвонлар-ни ҳам догда қолдирарди. У елкадан ошириб отишга қулай келса, ҳар қандай катта, мохир полвонларни ҳам яшин тезлигида юлдуз санатади.

Алман полвон Валиев елка, "уча" усулига уста бўлиб, елкадан ошириб отишга келганда тенги йўқ. полвон сифатида тилга тушди.

Кекса полвонларимиздан бири Жўра Пирнаев "қайтарма" усулини шу қадар маҳорат билан ишлатдики, ўзбек курашида бу усулни бошқа бирор-бир полвон кейинчалик хам такрорлай олмади. Бу усулни "Жўра Пирнанинг ўроғи"хам дейишарди.

Олтинсойлик Исмат полвон Давлатовнинг ҳаёти афсоналарга қоришиб кетган. Бу полвон ҳам "ўрама", "туячил" усулларининг энг зўр усталаридан бири эди.

Миллий кураш нафақат жисмоний куч ишлатиш, маҳорат, мардлик, довюраклик санъати, балки у одоб мактаби хамдир. Бунга узоқ ва яқин тарихимиздан мисоллар жуда кўплаб топилади. Келинг, узоққа бориб ўтирмайлиқ Катта ёшдаги одамлар яхши биладиларки, Жўра полвон Са-фаров, марҳум Шафоат полвон Шомуродов, Тохир полвон Дурдиевлар полвонлик одобига, кураш одобига қаттиқ риоя қилдилар. Буни бутун эл билади, мухлислар би-ладилар. Кучи етмасдан мағлуб бўлганлар гохида чидай олмасдан Тоҳир полвонни сўккан пайтларини хам била-миз. Лекин Тоҳир полвон ундайларга ҳаттоки, қайрилиб ҳам қарамас, "миқ" ҳам этмасди. Номард, бунинг устига рўй-рост мағлубиятга учраган рақиби билан тиллашиб ётишни у ўзига асло эп билмас эди. Назаримизда, Тоҳир полвон раҳматлининг бошқа полвонлардан устунлиги ва фарқи хам худди ана шунда эди. У ўз ғазабини, жахлини жиловлай оладиган зўр полвон эди. Аслида жисмоний кучи бехисоб бўлган одам хам зўр саналади. Лекин унутмангки, жахлини, бемаврид бостириб келган ғазабини жиловлай олганларгина кучли полвон хисобланади.

Хуллас, II Халқаро турнир мусобақалари яна "Алломиш" ўйингоҳида ўтказиладиган бўлди. Шу муносабат билан Тер-миз шаҳар ҳокимлиги қурувчиларни ва керакли ташки-лот, корхоналарни жалб қилиб, ўйингохнинг тўлиқ ва сифатли таъмирланишига бош-қош бўлди. Кураш сахна-си ўрнатилди, ўйингох байрамона безатилди. Шаҳарнинг марказий майдонларига, кўчаларига, жамоат жойларига паннолар, шиорлар, транспарантлар ўрнатилди. Шаҳар ошхоналари, меҳмонхоналари мехмонларни қабул қилиш учун шай холга келтирилди.

II Халқаро турнирга тайёргарлик ва мусобақа ўтиш жа-раёнини республика хамда махаллий оммавий ахборот во-ситалари доимий равишда, фаоллик билан таргиб-ташвиқ қилиб боришди.

Турнирнинг осойишта ва хотиржам ўтиши, жамоат тар-тибини сақлашда вилоят ички ишлар бошқармаси ходим-лари астойдил меҳнат қилдилар. Шунингдек, таббиёт хиз-мати, савдо, алока ва маданий хизмат кўрсатиш сохалари икки кун давомида чиндилдан иш олиб бордилар.

Турнирни юқори савияда ўтказиш мақсадида вилоят хокимлигининг 1995 йил 20 январдаги 12-Ф сошш фармойи-шига асосан, бир қатор ташкилотлар, корхоналар, хўжа-ликлар, шахслар қўллаб-қувватлашиб, ал-Х.аким ат-Терми-зий жамғармасига моддий хамда молиявий ҳисса қўшищци.

Алқисса, Термизда ўтган II Халқаро турнир хам ўзбек миллий кураши тарихида ўзига хос ёрқин сахифалар-дан бири бўлиб қолди.

## *3.4. УЧИНЧИ ТУРНИР*

1997 йилнинг 5-6 апрел кунлари III Халқаро турнир му-собақалари Термиз шаҳридаги "Алпомиш" ўйингохида бўлиб ўтди. Бу галги турнир аввалгиларидан кўра катта тай-ёргарлик, уюшқоқлик ва аҳиллик билан ташкил этилди. Ўйингох томошабинлар, мухлислар билан тўлиб-тошди.

Турнирни ўтказиш ташкилий қўмитаси III Халқаро турнирни юқори савияда, жахон талаблари даражасида ташкил этиш хамда ўтказиш мақсадида аниқ тадбирлар ишлаб чиқди. Барча ишлар режа асосида ташкил этилди.

Турнир олди биринчи, иккинчи, учинчи босқич мусо-бақаларида вилоятимиз бўйича беш ой давомида 300 минг нафардан ошиқроқ турли ёшдаги полвонлар майдонларда ўзаро куч синашдилар.

Турнир олди босқич мусобақаларини ташкил этишда шаҳар, туман хокимлари рахбарлигида ташкилотлар, корхоналар хамкорлигида вилоят халқ таълими бошқар-маси, "спорт ташкилотлари", "Камолот" ёшлар ижтимо-ий харакатининг бевосита иштирокида ўтказилди.

Вилоят полвонларини саралаш III босқич мусобақаси 8-9 март кунлари Ангор тумани хокимлиги, тумандаги ташкилот, корхона, жамоа хўжаликлари ҳамкорлигида тулиқ сарф-харажатларини ўз зиммасига олди ва юқори савияда ўтказишни ташкил қилдилар. Ангор туман мар-казий ўйингохи икки кун давомида полвонлар ва мухлислар билан гавжум бўлди.

Турниролди III босқич мусобақаси натижасига кўра вилоят терма жамоаси таркиби 25 кун давомида мала-кали мураббийлар жалб қилиниб, полвонларнинг ўқув-тайёргарлик машғулотлари ўтказилди. Вилоятимиз пол-

вонлари ўн кун мобайнида Тошкент шахрида Япония терма жамоаси билан тайёргарлик машғулотларида иштирок этишди.

Нихоят, 5-6 апрел кунлари Термиз марказий ўйинго-хида III Халқаро турнир мусобақасида 275 нафар полвон 6 вазн тоифасида курашишди. 50 нафар полвон мутлоқ чемпионат беллашувларида иштирок қилди. Турнир мусобақаларида Туркманистон, Тожикистон. Гуржистон, Жанубий Корея давлатларидан, шунингдек, мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан полвонлар қатнашдилар. Бу галги ўтказилган турнир қат-нашчиларининг таркиби нихоятда кучли бўлиб, унда 3 нафар спортчи олимпиада иштирокчиси, 1 нафар полвон олимпиада чемпиони, икки маротаба жахон чем-пиони, олти марта Европа чемпиони, 10 нафар спортчи жахон чемпионатлари иштирокчиси хамда соврин-дорлари, 32 нафар спортчи Халқаро турнирлар ғолиб-лари ва совриндорлари, 20 нафар спортчи Халқаро то-ифадаги спорт усталари, 125 нафар спорт усталари, қолганлари спорт усталигига номзод бўлган полвонлар эдилар.

Турнирни ўтказишда 40 киши хакамлик қилди. 5 киши махсус хакамлар фаолиятини назорат қилиш қўмитаси, 6 киши таркибида мандат комиссияси иш олиб борди. Дар-воке, турнирни юқори савияда халол ва пок ўтказиш мақсадида бизнинг таклифимизга асосан, 1997 йил 25 март куни Тошкент шаҳрида Республика Давлат спорт қўмитаси хам-да Республика миллий кураш федерацияси рахбарлигида, малакали мутахассислар иштирокида III Халқаро турнир-га хакамлик қилиш хуқуқини берувчи ўқув-семинар ўтказилди. Унда вилоятимиздан 15 киши иштирок этди.

Ташкилий қўмита, Республика Давлат спорт қўмитаси хамда Республика миллий кураш федерацияси қарори билан турнирнинг бош хаками этиб Комилжон Юсупов, бош котиб этиб Авлиёқул Қурбонов тасдиқланди. Бош ҳакам раҳбарлигида хакамлар гурухи турнир мусобақа-сининг юқори савияда ўтказилишини таъминладилар.

Яна бир нарса: ал-Хаким ат-Термизий жамғармаси-ни моддий ва молиявий қўллаб-қуватлаш мақсадида III Халқаро турнирга бағишланган махсус лоторея ташкил этилди.

III турнирда 60 килограмм вазнда Санъатбек Адам-боев (Хоразм), Фарход Хўжанов (Қашқадарё), Баходир Тошназаров (Қашқадарё), 66 килограмм вазнда Курбон-назар Маҳмасоатов (Туркманистон), Файзулло Маҳма-раимов (Жиззах), Олимжон Махманазаров (Самарқанд), 73 килограмм вазнда Махтумкули Махмудов (Сурхон-дарё), Давлатгелди Бекжонов (Сурхондарё), Элбек Ори-пов (Қашқадарё), 81 килограмм вазнда Исоқ Ахмедов, Холназар Холмирзаев, Қахрамон Болтаев (Сурхондарё), 90 килограмм вазнда Шухрат Хўжаев (Бухоро), Илхом Даминов (Сурхондарё), Камол Муродов (Тошкент), 90 килограммдан юқори вазнда Эрали Махмарасулов (Сурхондарё), Алишер Собиров (Хоразм), Ботир Ҳасанов (Сурхондарё)лар кураш тушиб, ўзларининг махоратла-рини намойиш қилдилар.

Бу гал хам мутлоқ ғолиблик учун кураш шиддатли тар-зда кечди. Кураш мухлислари мутлоқ ғолибни кўрмоқ иштиёқида ўйингохни гувиллатиб турардилар. Бундай пайтда хакамларнинг масъулияти янада ошганлигини кузатиш мумкин эди. Деновлик полвон Эрали Махмара-сулов зўрлардан-да зўр чиқиб, мутлоқ ғолибликни қўлга киритди. Мутлоқ ғолибга Президент соврини - "Нексия" енгил автомашинаси берилди. Иккинчи ўринни олган бойсунлик полвон Тоштемир Мухаммадиевга вилоят хокими соврини - "Дамас" енгил автомашинаси, учинчи ўринни олган қашқадарёлик полвон Муҳаммаддуст Тошевга вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий харакати соврини - "Тико" енгил автомашинаси тақдим этилди.

## *3.5. ТЎРТИНЧИ ТУРНИР*

1999 йилнинг авжи баҳори, яъни 3-4 апрел кунлари Кўхна Термиз шахрини яна чор тарафдан келган мехмон-лар, номдор полвонлар, минглаб кураш мухлислари тўлдирдилар. Яна "Алпомиш" ўйингоҳига одам сиғмай кетди. Апрелнинг шанбаси ва якшанбаси унутилмас бай-рам шукухига бурканди.

3 апрел куни ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига ба-ғишланган анъанавий IV Халқаро кураш турнирини Сурхондарё Вилоят хокими, Вилоят миллий кураш худу-дий федерацияси раиси Жўра Нoралиев тантанали ра-вишда очди. Халқаро кураш ассоциацияси президенти К.Юсупов, Арманистон олимпиада қўмитаси президенти А.Авитисян, Литва кураш, дзю-до федерацияси президенти Аинтес Вилейко, Литва кураш спорт мактаби директори Авгенюс Мисюнес, Халқаро кураш ассоциацияси котиби Майкл Бегошевскийлар сўзга чиқиб, турнир қатнашчиларини, барча мухлисларни муборакбод қилдилар.

Давлатимиз мадқияси садолари остида довругли полвонлар турнир байроғини кўтардилар.

Турнир мусобақаларида жами бўлиб 99 нафар сара полвон ўзаро куч синашдилар.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, финал учрашув-лари ғоятда қизғин кечди. 73 килограмм вазнда Махтумқули Махмудов ва Акобир қурбоновлар майдон-га тушиб хал қилувчи курашга киришдилар. Бу гал ға-лаба йўлига чиқиш кўп қийин бўлди. Ҳар иккала полвон хам гарчанд шиддат билан кураш тушсалар-да, эхтиёткорлик билан харакат қилардилар. Чунки ан-даккина хато барча қилинган мехнатни чиппакка чи-қариши мумкин эди. Ва нихоят, Махтумқули полвон ғолиб чиқди.

90 килограмм вазнда Бахром Авазов ва Шуҳрат Хўжа-евлар хал қилувчи беллашувга киришдилар. Баҳром полвоннинг қўли баланд келди. Сўнгра эса 90 килограммдан ошиқ вазндаги икки полвон, бутун мамлакатга ардоқли бўлган Тоштемир Мухаммадиев ва Эрали Махмарасуловлар ўртага тушдилар. Барча мухлислар, хакамлар-нинг нигоҳи, эътибори уларга қадалди. Зафар Тоште-мир полвонга кулиб боқди.. Ғолибни бутун майдон олқ-ишлади.

Шундай қилиб, 73 килограмм вазнда биринчи уринни эгаллаган Махтумқули Махмудов вилоят "Камолот" ёш-лар ижтимоий харакатининг "Тико" енгил автомашина-си, 90 килограмм вазнда биринчи ўринни олган Бах.ром Авазов вилоят хокимлигининг "Дамас" енгил автомаши-наси билан ва

нихоят, 90 килограммдан юқори вазнда майдонга тушиб, зафар топган Тоштемир Мухаммадиев Ўзбекистан Республикаси Президенти соврини - "Нексия" енгил автомашинаси билан тақдирландилар. Шунингдек, ҳар учала ғолиб полвонга турнирнинг дипломлари ҳам топширилди.

Яна бир мухим нарсани таъкидлаш керак: обрў-эъти-бори тобора ёйилиб бораётган мазкур турнирга Осиё чемпионати мақоми берилган. Ана шунга кўра финалда ғолиб чиққан уч нафар полвон айни бир пайтда Осиё чем-пиони деган номга сазовор бўлишди.

Шунингдек, бу турнир ва Осиё чемпионатида ўз вазн тоифаларида бухоролик Хайрулла Насруллаев, Шуҳрат Хўжаев, сурхондарёлик Ботир Ҳасанов, Эрали Махмарасулов, тошкентлик Армен Богдасаров, Акобир Қурбонов, Камол Муродов, қашқадарёлик Элбек Орипов, Нодирхон Музаффаровлар совриндор ўринларни эгаллашди.

Аввалги учта турнирдан хам кўра IV Халқаро турнир тартибли кечди. Турнирнинг биринчи куни ўйингох-даги айрим ўриндиклар бўш турган бўлса, иккинчи куни минглаб томошабинларга ўтириш учун хаттоки жой хам тегмади.

Вилоят хокими муовини, турнирни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Қ.Аҳмедов шундай деди:

- Вилоят ҳокими қарори билан турнирни ўтказиш учун маблаг жамлаш мақсадида вилоят миқёсида шанбалик ўтказилди. Натижада қирқ миллион сўмликдан ортиқ маблаг йиғилди. Бундан ташқари қатор ташкилотлар, корхо-налар, шунингдек айрим шахслар хам турнир жамғарма-сига ўз улушларини қўшдилар. Энг қизиқарлиси кўплаб дехқонлар боғларида етиштирган анор, олма ва лимон каби меваларини қоплаб келтириб полвонларга улашдилар.

Ҳа, ҳар қандай юкни ҳам халқ кўтаради, яхши иш-ларнинг бошида халқ туради. Фуқароларимиз хайрли ишларга хамиша аҳиллик билан бош қўшиб келишган.

IV Халқаро турнир мусобақаларини катталар билан бир қаторда хали суяги қотмаган минглаб ёш томоша-бинлар хам катта хаяжон билан кўрдилар, диққат билан кузатдилар. Уларнинг хар бирининг қалбида курашга, борингки,

спортга иштиёқ уйғонган бўлса не ажаб. Ик-кинчидан эса, халқ ўзининг сара полвон фарзандларини таниди, билди. Яна бир сабоқ шуки, қатъиятли, диёнат-ли мухлис-томошабинлар кўп ўринларда халолу ғирром-ни фарқлашда хакамларга ёрдам хам бериб турдилар.

Бу икки кундан ёруғ манзаралар, таниш қиёфаларнинг ёруғ нигохлари, майдонда шиддат билан кураш тушган, ор талашган йўлбарс монанд полвонларнинг шамолдек тезкор ҳаракат қилишлари, рақибга тик боқишлари, майдондаги ўғиллар ўрнига гохо оталарнинг умидли ва аламли туриш-лари қолди.

Икки кун... Полвонлар куч синашиб вақтни бехуда ўтказмадилар, балки тик туриб курашдилар. Мардлар-га, чинакам ботирларга хос усуллар билан беллашдилар. Халқ эса ғолибларни холислик билан олқишларга буркади. Мағлубларни эса... ер кўтарди. Ғолибларнинг олдида хали оғир синовлар, мағлубларнинг олдида эса балки ажойиб, катта ғалабалар тургандир. Одамнинг шунга ишонгиси келади. Чунки одамни гохида алам ва мағлубиятлар хам улғайтиради, катта курашларга чорлайди.

Мардлар олишмайди, силтаб отади..." деганларидек Элимизнинг ардоқли достони, халқ оғзаки ижодиётининг гултожи саналган машҳур "Алпомиш" достонидан бир пар-чани келтирамиз.

"...Ўн минг уйли Қўнғирот одами, қанча қалмоқнинг одами йиғилиб, Чилбир чўлига, Ойна кўлига томошабин бўлиб, раста-раста, даста-даста қур тортиб ўтирди. Томо-шабинлар: "Курашни кўрамиз. Тойчихоннинг алии, Қўнғи-ротдан келган ўзбекларнинг алпи кураш қилади, кураш қизиқ бўлади, курашда қайсиси зўрлик қилса, ўзбакнинг қизини олади", деб бари жам бўлади...

Шунда қалмоқликларга бўйин эгиб, Қоражон Алпо-мишга: "Курашга туш десант, тушаман, лекин тушганим билан омон колмайман. Ғайратинг бўлса ўзингни кўрсат энди" деди. Алпомиш: "Ундай бўлса, курашганим бўлсин", деди. Бу гап-сўзларни эшитиб турган Қўнғиротнинг қизла-ри орасида Барчин канизлари билан томоша қшшб, бу гап-сўзларни эшитиб,

Ҳакимбек (Алпомиш)га қараб, 'Менга навбат беринг, ўзим курашга чиқай", деб бир сўз айтиб турган экан:

Очилар баҳорда боғларнинг гули,
Гулни кўрса маст бўп сайрар булбули.
Нар-мода бўлибсиз бой бобом ули,
Йиқолмасанг, бизга беринг навбатди,
Жуда келди Барчин ёрнинг ғайрати,
Ушлаганда кўкка отмай не бўпти?
Йиқолмасанг, тўрам навбат тилайин,
Эркак либосини ўзим кияйин.
Бор кучимни билагимга жияйин,
Бу қалмоқни пора-пора қилайин.
Қалмоқ билан, жоним, бўлдинг баробар,
Сизни жуда мазах қилар канизлар.
Бу қалмоқни кўкка отсанг не бўлар?
Очилар баҳорда боғларнинг гули,
Гулни кўрса маст бўп сайрар булбули.
Нар-мода бўлибсиз бой бобом ули,
Йиқолмасанг, бизга беринг навбатди,
Жуда келди Барчин ёрнинг ғайрати,
Ушлаганда кўкка отмай не бўпти?
Йиқолмасанг, тўрам навбат тилайин,
Эркак либосини ўзим кияйин.
Бор кучимни билагимга жияйин,
Бу қалмоқни пора-пора қилайин.
Қалмоқ билан, жоним, бўлдинг баробар,
Сизни жуда мазах қилар канизлар.
Бу қалмоқни кўкка отсанг не бўлар?
Иш кўрсатсанг менинг кўнглим топилар,

Бу сўзларни Барчин сулув айтади,

Барчинойга навбат бергин, нетади.

Мендай ойим ушлаб кўкка отади, .

Қизлар сизни нар-мода деб айтади,

Қизларнинг айтгани менга ботади.

Мардлар олишмайди, силтаб отади,

Майдон бўлса, иш кўрсатиб кетади.

Бўш одамнинг иши кейин кетади,

Барчинойнинг бундай кўнглин бўлмагин,

Бу сўзимни, хоним, оғир олмагин,

Навбат бергин, сира гина қилмагин,

Майдон кунда сенга ҳамдам бўлайин.

## *3.6. БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО ТУРНИР*

Ўзбекитон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишланган V Ха-лқаро кураш турнири одатдагидек кўклам фаслида 2001 йилнинг 2-4 апрел кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Мактаб, ўқув юртлари, туман ва шахарларда турнир олди саралаш мусобақалари фаоллик билан олиб борил-ди. Юзлаб полвон ёшлар саралаш босқичларида ўзаро куч синашдилар. Турниролди вилоят саралаш босқич-ларида ўз вазн тоифаларига кўра А.Нажимов» А.Рўзиев, М.Эшқораев, Б.Махмудов, Т.Ўтаев, Б.Рустамов, З.Ма-маназаров, З.Бўриев, М.Махмудов, Б Ғозиев, Раҳматул-лаев, О.Худойқулов, Б.Эшонқулов, Ш.Мўминов, З.Мах-марасулов, Ф.Очилов, И.Даминов, Ш.Ашуров, Т.Ража-бов, Б.Менгниёзов, И.Маханов, Б.Қобилов, М.Қурбонов, Р.Эргашев, А.Бакиров, Х.Зиёвуддинов, Б.Жаханов голиб хамда совриндор бўлишди. Сўнгра бу полвонлар V Халқаро турнир беллашувларида хам ўз маҳоратла-рини намоён эта олдилар.

Турнир мусобақаларига тажрибали, халол ва ўз ишини яхши биладиган спортчи мутахассислардан хакамлар хайъ-ати тузилди. Термизда утган Халқаро турнирга мамлакати-мизнинг деярли барча шахар хамда вилоятларидан мохир

спортчи-мутахассислар хакамлик қилишди. Масалан, тош-кентлик А.Зияев, О.Хайитов, Р.Муҳаметов, фарғоналик Р.Олимов, андижонлик Ю.Тўйчиев, навоийлик Т.Хайитбо-ев, самарқандлик И.Каримов, бухоролик Й.Азизов, қашқа-дарёлик Б.Сатторов, Ю.Қиличев, жиззахлик А.Тилаков, сурхондарёлик Ж.Тошпўлатов, Қ.Эргашев, Ш.Раҳимов-лар курашнинг халол бахоланишини таъминладилар.

Эътироф этиш керакки, V Халқаро турнирга келиб вилоятда катта тажриба ва малака тўпланган эди. Қади-мий Термиз такрор байрам либосига бурканди. Одам-лар яна бир неча кунлар Халқаро турнир воқеалари та-ассуроти билан яшадилар. Турнир беллашувлари майда-катта давраларнинг гурунгида асосий мавзу бўлиб турди. V турнирнинг эътиборга молик яна бир жиҳата шундаки, бу галги мусобақаларда янги-янги полвонлар хам ўз махоратлари, куч-қувватларини намойиш этдилар. Агар турнирда қатнашган полвонлар рўйха-тига кўз югуртирганимизда хам бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Турнирда ўз вазн тоифаларига кўра ғолиб чиққанлар сафида сурхондарёлик Сухроб Дўстов, Махтумқули Махмудов, Тўлқин Валиев, Бах-ром Эшонқулов, Илҳом Даминов, Файзи Очилов, Дав-лат Чориев, Абдулла Тангриев, Эрали Махмарасулов, жиззахлик Акром Абдулахатов, тошкентлик Умид Бозоров, Салим Асилов, Лазиз Қобилов, қашқадарёлик Исоқ Ахмедов, Баҳром Авазов, Зоҳид Х.усанов, Нодир-хон Музаффаров, бухоролик Рустам Отаев, Шуҳрат Хўжаев, шунингдеқ туркманистонлик Ражаббой Ашуров, бразилиялик Александр Костругилар бор эди. Улар "Алпомиш" ўйингохини лиқ тўлдириб турган то-мошабинларга кураш бобида ажойиб томошалар кўрсатдилар, мухлисларни чиндан-да хурсанд қилди-лар. Икки кунлик беллашувлар, хис-хаяжон халқимиз-нинг халол, пок Миллий курашга нақадар мухлис ва ташна эканлигини такроран намоён қилди.

Турнир эсда қоларли бир холатда бошланди. Ўзбекис-тон давлати байроғини жахон чемпионлари Баҳром Авазов, Махтумқули Махмудов, олис Бразилиядан

турнирга келган полвон Александр Костругилар кўтаришди. Сўнгра давлат мадхияси тантанали равишда янгради. Қалблар Хаяжонга лиммо-лим тўлди.

Сўнгра республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Абдулла Очилов, Халқаро кураш ассоциацияси раиси Комилжон Юсупов, Халқаро кураш ассоциацияси хакамлар хаъйати раиси, африкалик Сюзет хонимлар сўзга чиқиб ўзбек миллий курашининг шарофати, унинг дунё бўйлаб тан олинаётга-ни хусусида тулқинланиб гапиришди.

V Халқаро турнирга мамлакатимизнинг барча вило-ятларидан ҳамда Тожикистон, Қозогистон, Арманистон, Туркманистон республикаларидан, шунингдек, Бразилия-дан хам катта полвонлар келишди. Икки юз нафардан зиёд сара полвон турнир мусобақаларида икки кун давомида ўзаро куч синашдилар.Яна бир эътиборли томони шун-даки, бу галги турнирда 26 нафар энг ёш полвонлар ҳам ги-ламга тушиб, кураш синоатларидан баҳраманд бўлдилар. Ёш полвонлар бахсини бразилиялик хакам Жозеф Фишер бошқариб борди. Айтиш керакки, бу галги беллашувларда термизлик Сухроб Дўстов ўзининг чинакам тажрибали полвон экан-лигини рўй-рост намоён қилди. У ярим финалда қозоғис-тонлик Зариф Бозоровни осонлик билан енга олди. Сўнгра туркманистонлик полвон Ражаббой Ашуровни хам мағлубиятга учратди. Бразилиядан келган ягона полвон Александр Костуруги мухлисларни чинакамига хурсанд қилди. Ўзбек миллий кураши хадисини бу қадар яхши эгаллаган хорижлик полвонга томошабинлар хам, хакам-лар, мутахассислар хам астойдил тан беришди. 73 килограмм вазндаги бу полвон турнирнинг икки кунида хам чарчаш, толиқиш нима эканлигини билмади. Шиддат билан кураш тушди. Курашнинг дастлабки куни у ўз ихтиё-ри-хохиши билан 81 килограмм вазндаги полвонлар билан майдонга тушишга рағбат билдирди. У навоийлик Одил Аллаев, фарғоналик Арслон Бобоназаровларни кўп қийналмасдан мағлубиятга учратди. Финал беллашувла-рида эса Александр Костуруги қашқадарёлик машхур полвон Исоқ Ахмедовга қарши курашга чикди. Бу икки полвонга эронлик Ризо Носирий хакамлик қилди. Александр аввалига Исоқни йиқитиб, "чала"

баҳосини олди. Ўйингоҳни тўлдириб турган халқ уни тик туриб олқиш-лади. Лекин Исокқ хам рақибидан кам эмасди. Қолган вақт Исоқнинг устунлигида ўтди. Беллашув якунланишига са-ноқли сониялар қолганида Исоқ рақибини "ёнбош" ба-ҳоси билан енгди. Финалда Исоқ полвонга самарқандлик Рустам Атоев юзма-юз келди. Бу гал Исоқ рақибини тез-корлик билан мағлубиятга учратди.

90 ва 100 килограмм вазндаги полвонларнинг ўзаро беллашувларида ўзбек кураши бўйича икки марта жахон чем-пиони Баҳром Авазов, бухоролик Шухрат Хўжаев, қашқа-дарёлик Зохид Хусанов, Салим Асилов, Қахрамон Холиё-ров, тошкентлик Лазиз Қобилов, Акбар Йўлдошев, хораз-млик Эрдон Азизов, сурхондарёлик Илхом Даминов, Файзи Очилов, Давлат Чориев, фарғоналик Ботир Хайитбоев, қорақалпоғистонлик Мурод Болтаниёзов каби қатор пол-вонлар ғолиблик учун майдонга тушдилар.

Курашнинг иккинчи куни Александр Костуруги яна томошабинларни ўз харакатлари билан қувонтирди. Ярим финал бахсида Тулқин Валиевни гарчанд кичик ус-тунлик билан бўлса-да, енгди. Финал бахсларида Александр Ўзбек кураши бўйича жахон чемпиони Махтумқу-ли Махмудовни енгди. Жахон чемпиони Тоштемир Му-хаммадиев ўзбек курашини чиройли намоён эта олган Александр Костуругига бир туя совға қилди. Костуруги туя миниб майдон айланганида халойиқнинг ол-қишлагани унутилмас бир воқеа бўлиб қолди.

Бу турнирда термизлик ёш полвон Шокир Худойберди-ев хам мухлислар қалбида илиқ таассурот қолдирди. У самаркандлик Иброхим полвон Каримовни мағлубиятга учратди. Сўнгра қашқадарёлик машхур полвон Мухаммаддўст Тошев билан гиламга тушди. Гарчанд Мухаммаддуст тажрибали полвон бўлса-да, Шокир полвон беллашувлар чоғида ундан кам эмаслигини исботлаб, рақибини енгди. Сўнгра қашқадарёлик яна бир таникли полвон Нодирхон Музаффаров Шокир пол-вондан устун келди.

Бойсунлик довруғли полвон Абдулла Тангриевнинг турнир майдонида пайдо бўлиши кўпчилик учун эсда қолар-ли ва қувонарли воқеалардан бири бўлди. Билагида кучи мул, кураш тушиш услубига кўра тезкор ва шиддатли бўлган

Абдулла полвон дастлаб Баҳром Эшонқуловни кўз очиб юмгунга қадар йикитди. Сўнгра катта полвонлардан бири, анча хайбатли Рустам Эргашев Абдуллага рақиб сифатида майдонга тушди. Давра аҳли шуни кўриб билди-ки, Абдулла полвон Рустам полвонга қараганда анча куч-ли, эпчил ва ғайратли экан. У кўп куттирмади, рақибини елкасидан ошириб отди. Мухлислар Абдулла полвонни қийқириб олқишладилар. Ярим финалда Абдулла полвонга қашқадарёлик Нодирхон Музаффаров юзма-юз бўлди. Тезкор ва наққон курашиш хадисини пухта эгаллаган Абдулла кўп ўтмасдан Нодирхон Музаффаровни хам мағлу-бнятга учратди.

Турнирга ташриф буюрган энг сара, зўр полвонлар-ни бир-бир йиқитиб, ғолиблик байроғини тиклаб кела-ётган қашқадарёлик Баҳром полвон Авазов мутлоқ чем-пионатда Абдулла Тангриев билан гиламга тушадиган бўлди. Икки алп полвоннинг финалдаги учрашувлари, қўл олишлари хамманинг ёдида қолди. Одамлар хали ким ғолиб бўлишини билмасдилар. Гарчанд Абдулла полвон Тангриев ёш, кучли чайир бўлса-да, Бахром Авазов хам дунёга довруқ солган полвонлардан биридир. Икки зўр полвон беллашувини чет эллик хакамлар бош-қариб ва назорат қилиб боришди. Дастлабки дақиқалар-даёқ Абдулла полвон рақибини "чала" босди. Иккинчи сафар эса рақибини елкасидан ошириб ташлади. Гапнинг рости, Баҳром полвон яқин ўртада бу қадар тезкор ва аниқ ҳаракат қиладиган полвонга дуч келмаган эди. Шу билан беллашувда Абдулла полвон рақибини катта ус-тунлик билан енгди. Мутлоқ ғолиб чиққан Абдулла полвон Тангриевга Президент соврини - "Нексия" енгил автомашинаси на-сиб қилди. Шунингдек, вазн тоифасига кура ғолиб чиқ-қан полвонларга 500, 300, 200 АҚШ доллари миқдори-даги чеклар, қимматбахо совгалар топширилди.

### Ўзбекистон полвонлари

Ҳур, бахтиёр, гулгун элим,
Юлдузларга етар қўлим,
Тан олади етти иқлим,
Ўзбекистон полвонлари,
Мард, баходир ўғлонлари!

Амир Темур аждодимиз,
Мангуберди авлодимиз,
Алпомишлар зурёдимиз,
Ўзбекистон полвонлари,
Мард, баходир ўғлонлари!

Майдонларда билинар мард,
Кўзингизга кирмасин гард,
Соғлом танга йўламас дард,
Ўзбекистон полвонлари,
Мард, баходир ўғлонлари!

Шоирлари паҳлавондир,

Ботирлари қахрамондир,

Элу халқи бир жаҳондир,

Ўзбекистон полвонлари,

Мард, баходир ўғлонлари!

Дуне икки елкасида,

Жаннат кулар ўлкасида,

Булбул ўқир ишқ--қасида,

Ўзбекистон полвонлари,

Мард, баходир ўғлонлари!
Юрагида қуёш яшар,
Чин инсонга тахт ярашар,
Таъзим айлаб келар башар,
Ўзбекистан полвонлари,
Мард, баходир ўғлонлари!

Куч-қудратни ердан олар,

Муҳаббатни элдан олар,

Ўз юртига содиқ қолар,

Ўзбекистон полвонлари,

Мард, баҳодир ўғлонлари!

*Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,*

*Ўзбекистон халқ шоири*

## *3.7. ОЛТИНЧИ ТУРНИР*

2003 йилнинг 4-5 апрел кунлари Термиз шахрида Ха-лқао турнир катта тайёргарлик ва тантаналар остида бўиб ўди. Турнир мусобақларида жахоннинг 21 давлатидан кураш мутахассислари, 19 мамлакатдан полвонларнинг иштирок этиши унинг нуфузи ва муваффақяти-ни таъминлади. Арафадаги матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимларининг саволларига Ўбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А.Очилов, Халқаро Кураш академияси Президенти Н.Юсупов, Халқаро Кураш Ассоциациясининг Бош котиби У.Ёқубов, Осиё Кураш конфедерацияси хакамлар хайъати раиси, эронлик Ризо Мухаммад Носирий, Жанубий Африка Республикаси вакили, Халқаро Кураш ассоциацияси Ижроия қўми-таси аъзоси Сюзет хоним Безенхаут, Бразилия, Янги Зеландия, Туркия, Жанубий Корея, Буюк Британия, Мўғилистон, Россия каби мамлакатлардан келган мутахассислар ва бошқалар жавоб бердилар.

"Марказий Осиё маданияти" газетаси мухбирининг "Жанубий Африка Республикасида кураш қай даражада ри-вожланмоқда?" деган саволига Сюзет хоним шундай жавоб қилди:

- Ўзбек кураши жахонни ўзига махлиё айлади. Жанубий Африка Республикасида эса кураш оловдек тарқал-ди. Бу давлатнинг мингминглаб ёшлари спортнинг шу тури билан бажонидил шуғулланишмоқда. Хакамлар тайёрлашга, шу жумладан, аёл хакамларни ўқитишга катта эътибор берилмоқда.

Мусобақаларнинг очилиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Фольклор ва рақс дасталари, санъат усталари ўз санъатларини намойиш этиб, йиғилганларда хуш кайфият ҳосил қилдилар.

Икки кун давом этган VI Халқаро турнирда 60, 66, 73, 81, 90, 100 килограмм ва мутлоқ вазнда 157 нафар полвон гиламга тушдилар. Туркиялик Селим Татар ўғли, Бектош Демирел, бразилиялик Карлос Хонорато, Александр Гедес, польшалик Павел Малованец, эронлик Али Ризо Сонаи, япониялик Хидиео Камамото, тожикистонлик Рустам Боқиев, Жанубий Африка

Республикасидан Марк Скот, ўзбекистонлик Абдулла Тангриев, Фарҳод Жулиев, Илхом Даминов, Давлат Чориев каби сара полвон-ларнинг ўзаро беллашувлари ўйингохга ташриф буюр-ган ўттиз минг нафардан орик; томошабин ва телеэкран қаршисида ўтирган миллионлаб кураш мухлисларининг чинакам олқишларига сазовор бўлди.

Турган гапки, беллашувлар муросасиз бўлди. Қатъ-ий ва шиддатли беллашувлардан сўнг 60 килограмм вазнда Рустам Боқиев, (Тожикистон), 66 килограмм вазнда Суҳроб Дўстов (Ўзбекистон, Сурхондарё), 73 килограмм вазнда Бобомурод Рустамов (Ўзбекистон, Сурхондарё), 81 килограмм вазнда Исоқ Ахмедов (Ўзбекистон, Қашкадарё), 90 килограмм вазнда Карлос Хоно-рато (Бразилия), 100 килограмм вазнда Комил Муродов (Ўзбекистон, Тошкент шахри)лар биринчи ўринни эгаллаб, турнир шохсупасига кўтарилдилар. Сурхонда-рёликлар учун энг қувончлиси, Абдулла Тангриевнинг яна турнир мутлоқ ғолиби бўлганидир. Унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини - "Нексия" енгил автомашинаси тантанали равишда топширилди.

Турнир мусобақаларида ўз вазнлари бўйича биринчи ўринни эгаллаган полвонлар 1500, иккинчи ўринни эгаллаганлар 750, учинчи ўринни эгаллаганлар 500 АҚШ дол-лари хамда қимматбахо эсдалик совғалари билан тақдир-ландилар.

Мазкур турнир билан бевосита боғлиқ бўлган яна бир қувончли гапни айтмоқ керак. Бу галги турнир беллашув-ларида асосан ёшлар, талабалар маҳорат билан иштирок этишди. Бу эса келажагимиз халол, ботир, жисмонан бақувват ва маънавий жихатдан етук спортчилар қўлида эканлигидан нишона эди. Гапимизнинг тасдиғи сифатида айтмоқчимизки, мазкур халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллаган ғолибнинг икки нафари - Сухроб Дўстов хамда Бобомурод Рустамовлар Термиз Давлат университетининг иқтидорли талабаларидир.

Довруғли полвонимиз Абдулла Тангриев айтганидек, Мустакил Ўзбекистонимизнинг байроғини баланд кўтариш, дунёга танитиш биз учун

муқаддасдир. Дарвоқе, шу гапларни айтган Абдулланинг бу сафарги турнирда эришган ғалабаси бутун республикамиз ахшни ғурурланти-риб юборди.

**Алпомишнинг қайтиши**

Тутқунликда фил хам пашша бўлади,
Дўст топмаса, ор хам ошно бўлади.
Нодон элга ётлар подшо бўлади,
Ботир халқи ҳаққа ташна бўлади,
Бугун юртга қайтиб келди Алпомиш!

Қачон ўлса, ор ўлдирар ботирни,
Хиёнаткор ёр ўлдирар ботирни.
Мардлик деган дор ўлдирар ботирни,
Бирлашмаса эл, хор ўлдирар ботирни,
Бугун юртга қайтиб келди Алпомиш!

Тулки қувлар даштда қўрқоқ тозини,
Номардларга айтмас, мардлар розини,
Ўғлонлари оқлаб бекнинг тузини,
Бахшилари созлаб қўлда созини,
Бугун юртга қайтиб келди Алпомиш!

Хўп совуриб душманларнинг кулини,
Банддан озод айлаб боғлиқ қўлини,
Обод айлаб Арпалининг чўлини,
Хушнуд этиб Қўнғиротнинг элини,
Бугун юртга қайтиб келди Алпомиш!

Турон замин қайта бошдан зар бўлар,
Бахшили эл доим билинг, зўр бўлар,
Қувонмаган кўзлар энди кўр бўлар,
Юртбошиси ҳар бир қалбга кўр бўлар,

Бугун юртга кайтиб келди Алпомиш!

Ойбарчиннинг олиб дўстлар ёнига,

Эл сукланиб Бойчиборнинг ёлига,

Минг йиллик тўй, занглар кўчар қонида,

Хурлик сингиб Турон злнинг жонида,

Бугун юртга қайтиб келди Алпомиш!

***Сафар ОМОН***

## *3.8. ЕТТИНЧИ ТУРНИР*

Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий VII Халқаро кураш турнири 2005 йилнинг 22-24 апрел кунлари Термиз шахрида бўлиб ўтди. Айни бир пайтда кураш ва белбоғли кураш бўйича фахрийлар ўртасида I Жахон чемпионати хам ўтказилдики, бу нарса турнирнинг яна бир эсда сақланиб қоладиган жихати ёки ёрқин қирраси эди.Бу сафарги турнир мусобақоларига ҳам дунёнинг чор тарафидан мутахассислар, сара полвонлар йиғилдилар. Эронлик Мухаммад Ризо Носирий турнирнинг бош хаками бўлди. Айтиш лозимки, хакамлар таркибида эронлик Хасан Рошаний, хиндистонлик Мухаммад Ризо Минокадеш, жанубий кореялик Ким Эл Жунг, Туркиялик Метин Озкан, исроиллик Питр Бен Розен, арманистонлик Сероб Андресянлар бор.Турнир беллашувлари шиддатли ва муросасиз, айни бир чоғда халоллик билан ўтди. Бу гал хам бойсунлик машҳур полвон Абдулла Тангриев турнирнинг мутлоқ ғолиби сифатида довруқ таратди. У 17 минг АҚШ доллари билан тақаирланди. Иккинчи ўринни эса бразилиялик таниқли полвон Карлос Хонорато эгаллади хамда 1500 АҚШ доллар соҳиби бўлди. Иккита учинчи ўринни эгал-лаган ўзбекистонлик Ўткир Қурбонов хамда жанубий кореялик Бюнг Жин Кангларга 750 АҚШ доллари микдорида мукофот олдилар.

Аввал эслатганимиздек, шу турнир таркибида ўтказилган I Жахон чемпионати томошабинларнинг эътиборини ўзига тортди. Бунда асосан

кураш, белбоғли кураш фахрийлари иштирок этдилар. Масалан, 35-45 ёшдаги фахрийлар ўртасидаги курашларда 60 килограмм вазн тоифасида жанубий африкалик.Редпас Винсент биринчи, буюк британиялик Пол Сойер иккинчи, ўзбекистонлик Тўра Холиқулов, Акром Ахмедовлар учинчи уринлар-ни эгаллашди. Шунингдек, 70 килограмм вазн тоифасида термизлик Махтумқули Махмудов, 80 килограмм вазн тоифасида ўзбекистонлик Мелис Азизов, 90 килограмм вазнда ўзбекистонлик Олимжон Хайитов, 100 килограмм вазнда эронлик Хосров Далиер, 100 килограммдан ошиқ вазнда қашқадарёлик Муҳаммаддўст Тошевлар ғолиб
чиқишди..

46-55 ёшдаги фахрийлар ўртасида 70 килограмм вазн тоифасида Оқмурод Жепаров (Туркманистон), 75 килограмм вазн тоифасида Бойқобил Назаров (Ўзбекистон), 80 килограмм вазн тоифасида Хасан Эшназаров (Ўзбекистон), 85 килограмм вазн тоифасида Хидео Камага (Япония), 85 килограммдан юқори вазн тоифасида Георгиос Андреадис (Греция), 56-60 ёшли фахрийлар ўртасида 70 килограмм вазн тоифасида Нурмуҳаммад Юсупов (Ўзбекистон), 80 килограмм вазн тоифасида Франц Хугендайк (Голландия), 85 килограмм вазн тоифасида Сафар Қоси-мов (Ўзбекистон), 90 килограмм вазн тоифасида Тўра Хо-лиқулов (Ўзбекистон), 90 килограммдан ошиқ вазн тоифасида эса Ласло Тот (Венгрия) зафар қозонишди.

Майдонга тушаётган полвонларнинг ёши хам улғай-иб бораверди. 61-65 ёшли фахрий полвонлар ўртасидаги беллашувлар хам ўйингоҳ ахлининг эътиборини ўзига жалб қилди. 60 килограмм вазн тоифасида ўзбекистонлик Омон Тоймуродов, 65 килограмм вазн тоифасида ўзбекистонлик Турсун Йўлдошев, 70 килограмм вазн тоифасида ўзбекистонлик Фатхулла Холиқов, 75 килограмм вазн тоифасида олтинсойлик Бобохон Худойбердиев, 65 ёшдан юк.ори бўлган полвонлар ўртасида ўзбекистонлик Абдурашид Мирзаев, Жиян Кажапов, Наби Махмарасуловлар ўз вазн тоифаларида чемпион бўлишди.

Кекса полвонларнинг майдонда кураш тушишлари то-мошабинларни янада жонлаштирди. Масалан, жарқўр-ғонлик Ҳақберди бобо Норбоев, ангорлик Жўра бобо Тошматовлар биринчи ўринни қўлга киритишди.

Фахрийлар ўртасида белбоғли кураш бўйича ўтказилган беллашувлар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бунда ўз ёш ҳамда вазн тоифаларига қараб фахрий полвонлар кураш тушдилар. Ўзбекистонлик Ахмад Баҳ-ромов, Қаҳрамон Турсунбеков, Аъзамжон Шокиржонов, Рахматжон Олимов, Сотқинбой Эргашев, россиялик Ра-фаэл Ахметханов, Фанис Куддисов, тожикистонлик Ба-ҳодир Қурбонов, Сафар Тошмуродовлар 1 Жахон чемпионати ғолиби бўлишди. Ғолиб чиққан барча фахрий полвонлар муносиб тақдирланишди.

Таниқли журналист Абдуғаффор Одина "Олтинсой тонги" газетасининг 2005 йил 30 апрел сонида "Олтинсойдан чемпион чиқди" сарлавҳали хушхабарни эълон қилди. Келинг, шу хушхабарни бу ўринда келтириб ўтайлик: "...2005 йил 2 апрел. Термиздаги"Алпомиш"ўйинго-хида Миллий кураш бўйича жахон чемпионати олдидан фахрий полвонлар ўртасида вилоят биринчилиги бўлди. Унда туманимиз вакили сифатида қатнашган Бобохон полвон Худойбердиев фахрли 1-ўринни олди.

... 2005 йил 7-9 апрел. Миллий кураш бўйича Жиззах-да республика фахрий полвонлари мусобақаси ўтди. Унда ҳам қатнашган ҳамюртимиз Бобохон полвон Худойбердиев фахрий 1-ўринни эгаллаб қайтди.

... 2005 йил 23 апрел. Термизда буюк аллома Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилаётган VII Халкаро турнир бошланди.

Мусобақанинг дастлабки куни Ўзбек кураши тарихида биринчи марта фахрий полвонлар ўртасида I Жа-ҳон чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимиздан 80 нафардан зиёд ва чет эллардан 20 нафардан зиёд кекса курашчилар вазн тоифасига ва ёшига қараб гиламга чиқарилди.

Бу беллашувда хам 65 ёшни қаршилаётган Бобохон полвон яна йигитлардек кўкрагини кериб, давраларни

гурсиллатиб ўртага тушганда, қарсаклар ҳавонинг кўксини ёрди. Полвон ҳамон ўзининг тетик ва бардам-лигини элга кўрсатди. Қайси полвон билан гиламга чиқ-масин, фақат ва фақат соф ғалабага эришди.

Ха, Олтинсойда шундай полвонлар яшаяпти. Ана шу ҳақиқатни Бобохон полвон энди дунё ахлига намоён қилди. Ўз вазн тоифаси бўйича биринчилар қаторида фахрий полвонлар ўртасида ўтказилган I Жахон чемпионатининг ғоли-би бўлди.

Жахон чемпиони Бобохон Худойбердиев - Миршоди қишлоқ фуқаролар йиғинининг "Мустақилликнинг 10 йиллиги" махалласида яшайди. Касби - ўқитувчи. 25 йил мактаб директори бўлиб ишлаган. Айни кунда 47-мактабда бошланғич харбий тайёргарлик бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаяпти. "Соғлом авлод" ордени совриндори.

**Бизда Алпомишлар афсона эмас**

*(Фахрий полвонлар ўртасида ўтказилган*
*I Жахон чемпионатининг ғолиби*
*Бобохон полвон Худойбердиевга)*

Бизда Алпомишлар афсона эмас,

Ҳар полвон майдонда ўзин кам демас.

Полвонинг ким десанг дейди фалони,

Мухаммад пахлавон, Махмуд Малони.

Даврани бойлаган не Давлагазар,

Улар ривояти оламни безар.

Таити Шафоатлар рухи устувор,

Улуғ Тойир полвон ўтган диёр бу.

Бобохон, Рустамнинг Рустамча шашти,

Бу юртда хар тўйнинг курашдир гашти.

Олишманглар яккаш соврин бор учун,

Курашингиз тағин номус-ор учун.

Таърифингиз токи тушмасин тилдан,

Довруғингиз достон бўп қолсин элда.

Даврада санъату ўйин кўрсатинг,

Миллат, юртингизнинг бўйин кўрсатинг.

Қирқ хунар кўрсатинг "қоқма"-ю "чил"да,

Олқиш, қийқириқлар тушмасин тилдан.

Суяшиб юрманглар, силтаб отинглар,

Ғалаба дамларин завқин тортинглар.

Даврага қувонч, завқ  қўша беринглар,

"Ўрама" беринглар, "қўшша" беринглар,

Баралла елкадан ошириб уринг,

Курагин теккизиб халол деб туринг.
Ҳеч қачон ён берманг ғирром, хатарга,
Ҳар хил майда-чуйда ётиб отарга.
Курашки, мардона кураш бўлсин бу,
Ғурурли  шарқона  кураш бўлсин бу.

Элнинг олқиши ҳам, дуо ҳам соврин,

Миллий ғолибликка даъво ҳам соврин.

Бугун шарафланар зўрлар Ватани,

Руҳлари қўллагай Термиз отанинг.

***Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ***



Полвонлар беллашуви лаҳзалари



Халқаро кураш турнирининг ташкилотчилари Ал-Ҳаким ат-Термизий қадамжосида



VI турнир. Ғолиблар, ҳакамлар ва ташкилотчилар

# ХУЛОСА

Жисмоний тарбия ва спорт инсон щаётининг ажралмас =исмидир. Ща=и=ат саналган кып нарсалар бир куни барбод былиши, ёл\онга айланиши мумкин. Биро= спорт ха=и=атдир. У асло ёл\онга айланмайди. Чунки у минг йилларнинг синовларидан, чи\ири=ларидан, замонларнинг о\ир имтищонларидан бир-бир ытгандир. Щаётини, турмуш тарзини спорт билан чамбарчас бо\лаган =адимги юнонлардан тортиб токи бугунги озод ызбекларга =адар спортнинг тириклик =адар зарурат, щаётий эщтиёж эканлигини англаб етишган. Шундай экан, спорт ха=ида беш-ын китобда барча гапни айтиб, ёзиб тугатиб былмайди. Зотан, спортнинг щар бир тури жилд-жилд китоб былишга арзигуликдир.

Айтиш керакки, биргина ызбек миллий курашининг ызиё= мавзу сифатида (щам илмий, щам адабий) ынлаб олим, адибларни банд этиши мумкин. Хали ызбек кураши илмий адабиётларда щам бадиий адабиётда щам ызининг тыли= шакл-тамойилини топган эмас. Чунки унинг тарихи узо=, томирлари ба=увват ва терандир. Уни батафсил ырганмо=,

изланмо= ва =атъий иш олиб бориш билан англаш мумкин. Щозирга =адар =ылимизда былган адабиётлар хали ишнинг илк бос=ичида эканлигидан далолат беради. Албатта, келгуси насллар, келажакнинг истеъдодли олимлари, ижодкорлари ызбек курашини янада чу=урро= тад=и= =иладилар, уни хар томонлама кызгуга солиб, унинг чиройи, таровати, умумбашарий ащамиятини кенгро= намоён этадилар. Бунга шак-шубща йы=.

Биз бу рисолада мавзу юзасидан бир =адар чекландик. Курашчи =изларимизга ало=адор былган ыринларга, уларга ас=отадиган жищатларга алощида эътибор бердик. Зеро, бугунги ызбек кураши ривожида, унинг олам аро довру\ида ызбек пахлавон =изларининг щам муносиб улушлари борлигидан асло кыз юмиб былмайди.

Бугунги ызбек курашида полвон =изларнинг катта бир гурущи шиддатли тыл=ин янгли\ ызларини намоён этмо=далар. Щали уларнинг изидан яна юзлаб, балки минглаб жисмоний ба=увват =излар етишиб чи=адилар.

Албатта, щар =андай иш, худди шунингдек, спорт ва жисмоний тарбия жабщасида щам зарур =ылланмалар,

фойдали адабиётлар керак былади. Иккинчидан эса, щар =андай спорт тури щам мутасаддилар, щомийларнинг хайрихощлиги ва моддий кымагига мущтождир. Эътибор ва \амхырлик бор жойда щар =андай спорт тури, шунингдек, миллий кураш щам ривожланади. Ызбек курашининг бугунги ривожи, дунёга довру\и мамлакат ми=ёсида кырсатилаётган \амхырлик ва =атъият билан =илинаётган ишларнинг самарасидир.

Айтиш ыринлики, бугун спортимизда ызбек палвонлари ыз \алабалари билан шущрат топаётган эканлар, бу щам =илинаётган эътиборнинг, катта ниятларнинг мевасидир. +олаверса, бу муста=илликнинг шарофати щамдир.

**МАВЗУ: Кураш спорт тури мутахасисларини илмий-амалий тайёрлашда Ал-Хаким ат-Термизий халқаро турнирининг тутган ўрни.**

# РЕЖА

Кириш

I БОБ.

1.1. Ўзбекистонда ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ўрганилиши тарихи

1.2. Ал Ҳаким ат Термизийнинг ҳаёти ва ижоди

II БОБ.

2.1. Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича халқаро турнирининг ташкилий асослари ва ўтказиш учун ишлаб чиқилган низом ҳамда хакамлик иборалари

2.2. Кураш мусобақалари низоми

2.3. Мусобақа турлари

2.4. Кураш формаси

2.5. Кураш мусобақасида иборалар ва ишоралар

III БОБ.

3.1. I-IX турнирлар ўтказилиши ва президент совринлари

3.2. Биринчи турнир

3.3. Иккинчи турнир

3.4. Учинчи турнир

3.5. Тўртинчи турнир

3.6. Бешинчи Халқаро турнир

3.7. Олтинчи турнир

3.8. Еттинчи турнир

Хулоса

Адабиётлар

## **А Д А Б И Ё Т Л А Р**

1. И.А.Каримов, Буюк ма=сад йылидан о\ишмайлик. Тошкент. Ызбекистон 1993й.
2. И.А.Каримов, Щалоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий меъзони былсин. Тошкент. Ызбекистон 1994й.
3. И.А.Каримов. Юксак малакали мутахассислар-тара==иёт омили. Тошкент. Ызбекистон 1995 й.
4. Каримов .И.А. «Юксак маънавият енгилмас куч»Т. “Ўзбекистон” 2008.
**5.** Умумий ырта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ы=ув дастури. Тошкент. 1999 й. 6-махсус сон.

1. Тожибоев Х., Усмонхыжаев Т.С., Щаракатли ыйинлар Т.,1983

2. Усмонхыжаев Т.С., Цейтлина Л.И., Имомхыжаев А.Р. Бошлан\ич синфларда щаракатли ыйинлар. Т. «Ы=итувчи» нашриёти. 1978.

3. Усмонхыжаев Т., Ф.хыжаев. 101 ыйин. Т. «Ибн Сино» нашр.,1990

4. Нормуродов А., Усмонхыжаев Т., 210 та щаракатли ыйинлар Т. 2001 Тош ДЖИ.

5. Насриддинов Ф., +осимов А. Ызбек хал= миллий ыйинлари1-тыплам. Ызб ДЖТИ нашр. Т. 1993.

6. Иброщимов Ы. Кураш - миллий хал= спорт турларидан бири

Респ.илм.-амал. анжумани. материаллари бухоро. 2006 1=исм 18-20 бетлар.

7. Иброщимов Ы. Щаракатли ыйинлар - кураш маш\улотларининг воситаларидан бири. Ыша ерда, II =исм. 8-10 бет.

8. Иброщимов Ы. П.Тыраев. Кураш - ёшлар маънавиятини шакллантириш ва тарбиялаш омилларидан бири. Ыша ерда 167-169 бет.

9. Иброщимов Ы. Миллий \оя рущида тарбиялашда миллий кураш сабо=лари. Респ.илм-амалий конференция материаллари. Самар=анд, 2007 131-132 бет.

10. Иброщимов Ы., Ж.Тошпылатов Кураш спортининг ёшлар тарбиясидаги ырни. Хал=аро илмий-амалий конференция материаллари. Т. Ызб.ДЖТИ. 2007 .